Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
40 сон
4 — 10 октябр 2007 йил



Яхшилардан сўз очдик

# БОҒИ БОРНИНГ КЎКСИ ТОҒ

Ҳар бир инсон ўз халқининг бир шахсда мужассамлашган жажжи қиёфаси, дейдилар. Саксон ёшида ҳам Мустақил Ўзбекистонимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган, Президентимиз меҳр билан "менинг қалдирғочларим" деб атаган фермерлардан бири Рўзи Муқимов ҳаёти, умр йўли ҳам Ғиждувон ва ғиждувонликлар тарихининг бир саҳифаси.

Ҳаёт шундай: ҳамма елиб-югуради яшаш учун, орзу-ҳавасларини бўлдириш учун. Аммо кимлардир мансабу манфаат, бойлик илинжида, кимлардир эса зиммасига юкланган вазифани бажариш, бурчни адо этиш учун. Умрини ана шу икки муҳим тамойилни уддалашга бағишлаган инсонларни мансабу мартабанинг ўзи излаб келади ҳалол меҳнатига мукофот сифатида.

Таниқли раҳбар бўлган Карим Муқимов, ёзувчи Йўлдош Муқимов, академик Комил Муқимовлар сулоласининг узилмас ҳалқаларидан бири Рўзи Муқимов ана шундай инсонлардан. Бундай мартабаларга машаққатлар оралаб келган, давраларнинг тўрида ўтириш учун, пойгакларда туриб савоб тўплаган: йиқилганни суяган, кимгадир мадад, кимгадир тиргак, кимгадир суянч бўлган, ҳеч кимдан меҳру марҳаматини дариғ тутмаган, элу юртнинг корига яраган. Тошработча қишлоғида таваллуд топган Рўзи акага ерга меҳр, деҳқончиликка шайдолик отаси Муқим бободан мерос.

Ўрта Осиё Давлат университетини тамомлаб, ўқитувчи бўлиб бир ярим йил ишлаган Рўзи Муқимов 32-мактабга директор, икки йил ўтмай, туман, шаҳар халқ таълими бўлими мудири бўлди, 32-меҳрибонлик уйига раҳбарлик қилди.

Тақдир тақозосими ё насибаси шу жойларда сочилганиданми, Рўзи Муқимов Бухоро ва Навоий вилоятларида турли масъул лавозимларда ишлади. 1987 йилда 60 ёшга тўлиб, нафақага чиқди. Аммо уйда ўтирмади. Болалигидан елкасида чўпон таёғи - еру яйлов билан тиллашиб ўсган, суяги меҳнатда қотган эмасми: "Бекорчилик нафақат жисмни ланж қилади, балки ҳис-туйғуларни ҳам хиралаштиради", - деди-ю, Истиқбол берган имкониятлардан фойдаланиб, Қутчи чўлидан 70 гектар ер олиб ўзлаштирди. 30 гектарлик боғ яратди. "Она ер саховати" фермер хўжалигини ташкил этди. Она ердан куч олиб, меҳнати шарофатлари - замин саховатларини эл-юртига тортиқ қила бошлади.

Рўзи ота ортга қараркан, саксон йиллик умри силлиққина кечмаганини, гоҳ кўтарилишлар, гоҳ пастлашлар, қийинчилигу қоқилишлар, ҳасадчилар кўролмасликлари оқибатида бошлаган ишларини охирига етказолмай қолганликларини эсларкан, ҳеч қачон қадди букилмагани, иродаси панд бермаганини ғурур билан таъкидлайди.

Кўп жойларда ишлаб, яхши раҳбар, меҳрибон устоз, фидойи фуқаро бўлолган Рўзи Муқимов аҳил-иноқ оила бошлиғи, меҳрибон ота бўла олди. Турмуш ўртоғи Зайнаб опа (жойи жаннатда бўлсин) билан етти боласини эл-юртга муносиб фарзанд қилиб тарбиялади. Ўғиллари Баҳодир ва Улуғбек ҳуқуқ-тартибот тизими ходимлари, 6 невара ҳам шу соҳада фаолият кўрсатмоқда. Қизлари Ойша, Феруза, Луиза, Дилфуза, Зулфиялар педагог. 22 невараю 24 эвара Рўзи Муқимов боғининг ёш ниҳоллари. Ва улар ҳам пайти келиб, шундай ширин-шакар мевалар берадики, нафақат Муқимовлар оиласи, балки эл-юрт баҳра олади...

Ҳар тонг хуш-хурсанд "Нексия"сида фермер хўжалиги томон бораётган Рўзи акага дуч келган одам борки, бир лаҳза бўлса-да, унинг ҳазил-мутойибаларидан баҳраманд бўлади.

Андре Моруа айтади: "Жасорат тугаган куни қарилик бошланади". Рўзи Муқимовнинг эса ҳар бир куни жасорат: саксон ёшида саҳардан чўлга-қадрдон фермер хўжалигига отлангани жасорат. Ёзнинг жазирамаси, қишнинг қаҳратонида Қутчида меҳнат қилаётгани жасорат. Хўжалигини ривожлантириш учун турли идораларга кириб, ҳақини ундириши жасорат. Вилоятнинг нуфузли раҳбарлари кези келганда у ва унга ўхшаш инсонлардан маслаҳат олиб туриши эса ҳурмат, эҳтиром ва эътироф.

Шундай экан, Рўзи Муқимовнинг қарилик манзили ҳали анча олисда. Бунга у ҳали кўп бекатларда тўхтаб, тин олиб, қанча эзгу ишларни бажариб, донишманд, бобокалон мартабалари билан етиб боради. Унгача... унгача ҳали кўп қовун пишиқлари бор. Ишонмасангиз, ҳар ёзда Қутчи даштларига, "Она ер саховати" фермер хўжалиги далаларига чиқинг. Ўтлаб юрган қорамолу қўй-эчкилар, боғ-роғлардан баҳра олинг. Полиз оралаб, тилими тил ёрар қовунлардан тотиб кўринг. Ишонч ҳосил қиласиз-қўясиз.

**Бахшанда БОЛТАЕВА,**
**Бухоро вилояти,**
**Ғиждувон тумани.**

# ДАВРГА ҲАМНАФАСЛИК

Яқинда Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан **«Мамлакат босма ОАВ фаолиятида замонавий ахборот коммуникация технологияларнинг аҳамияти ва интернет-ресурсларни ривожлантириш омиллари»** мавзуида медиафорум ўтказилди.

Уч кун давом этган медиафорум қатнашчилари Ахборот коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ташкил этилган нуфузли кўргазмада иштирок этишди. Фонд ва Ўзбекистон Электрон ОАВ Миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда ўтказган **«Фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш – миллий тараққиётнинг устувор вазифаси: мамлакат оммавий ахборот воситалари олдида турган долзарб вазифалар»** мавзуидаги республика конференциясида қатнашишди. Қизгин баҳс-мунозаралар билан ўтган давра суҳбатларида янги давр журналистининг маънавий қиёфаси, мамлакат босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари олдида турган долзарб вазифалар, очиқ фуқаролик жамияти қуришнинг асосларини шакллантиришда мамлакат оммавий ахборот воситалари фаоллигини ошириш ва бошка масалалар ҳақида сўз борди.

26 сентябрь куни «Халқаро Бизнес Марказ»ида медиафорумнинг асосий тадбирлари бўлиб ўтди. Унда ахборотлаштириш жараёнида босма ОАВнинг фаоллигини ошириш, таҳририятлар фаолиятини ахборот-коммуникация технологияларининг энг замонавий ютуқлари асосида ривожлантириш, янгиланаётган жамиятда журналистнинг роли, вазифалари ва масъулиятини ошириш каби долзарб масалалар муҳокама этилди. Медиафорум доирасида жорий йилда эълон қилинган навбатдаги грант танлов ғолибларига сертификатлар топширишга бағишланган тантанали маросим ҳам бўлиб ўтди.

Медиафорумнинг учинчи куни «Халқаро Бизнес Марказ»ида анжуман якунлари бўйича «Давра суҳбати» ташкил этилди. Тадбир давомида Фонд грант олувчилари иштирокида лойиҳаларни амалга ошириш бўйича мониторинг хулосалари муҳокама килинди.

Тадбир якунида медиафорум қатнашчилари Ахборот коммуникация технологиялари Миллий саммитида иштирок этишди.

**Дармон ИБРОҲИМОВ**

# ҲАЁТИМИЗ НУРГА ТЎЛСИН!



**З. Дошкенова, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси:**

- Президентимизнинг 2004 йил 25майдаги "Хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги" ПФ 3434-сонли Фармони шаҳримиз хотин-қизларининг фаолиятида ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Аввало жойларда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар орасида ишсизликнинг олдини олиш, туғиш ёшидаги аёлларнинг соғлигини яхшилаш бўйича шаҳар меҳнат бўлими ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг маслаҳатчилари билан биргаликда бир қанча амалий ишлар олиб борилди. Жумладан, ярим йилликкача 943 хотин-қиз учун янги иш ўринлари яратилди. Маслаҳатчилар ёрдамида маҳалладаги ишсиз аёллар ва вояга етмаган болалар манзили рўйхатга олиниб, шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва уларни муҳофаза қилиш бўлимига топширилди. Шунингдек, кичик ва енгиллаштирилган кредит олиш ва уларга бизнес режаларини ишлаб чиқишда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Савдо - саноат палатасига ва тижорат банкларига тавсия этилди. 99 нафар хотин-қизга тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун 769,5 млн. сўм миқдорида тижорат банки орқали кредитлар берилди. Уларга махсус курслар, бизнес юритиш асослари мавзуларида семинарлар ташкил қилинди. Шу мақсадда 17 апрел куни шаҳарда бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Натижада 108 фуқаро (40 таси аёллар) ишга жойлаштирилди.

Бундан ташқари, Орол бўйи Скрининг марказида чақалоқларда туғма касалликларнинг олдини олиш учун барча чақалоқлар неонатал скринингдан ўтказилмоқда.

2 ёшгача бўлган болалар, 12 ёшдан 35 ёшгача бўлган аёл-қизлар ўртасида анемия касаллиги хавфидан сақланиш мақсадида ҳар чоршанба куни темир препаратлари тарқатилаяпти. Натижаси ёмон эмас.

"Ижтимоий ҳимоя йили" муносабати билан йил давомида даволаниш муассасаларининг ва "Саломатлик институти"нинг шифокорлари билан биргаликда корхона ва ташкилотларда, маҳалла фуқаролар йиғинларида она ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, исталмаган ҳомиладорликдан сақланиш, юқумли касалликларнинг, ногирон фарзанд туғилишининг, абортнинг ва камқонлик касалликларининг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Мактабларда, касб-ҳунар коллежларида, академик лицейларда ва маҳаллаларда "Ёшлар орасида гиёҳвандликнинг олдини олиш", "Аборт ва унинг оқибати", "Бехатар оналик", "Қизларни оилавий турмушга тайёрлаш", "Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари", "Қизларни эрта турмушга беришнинг олдини олиш" сингари мавзуларда учрашувлар ва савол-жавоб кечалари ўтказилиб, саҳна кўринишлари орқали ифода этилди. Кекса, ёрдамга муҳтож ҳамшаҳарларимиз ҳам доим эътиборимизда. "Кок-озек" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 100 ёшга тўлган она Б. Кармышованинг уйига бориб, унинг яшаш шароитлари билан танишиб чиқилди ва ҳорижий ташкилотлар томонидан унга озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар ҳадя этилди. Шунингдек "Онек" ва "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги ногирон ва кексаларга хайрия ёрдами кўрсатилди.

110 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларига ва 27 нафар етим болаларга Нукус шаҳридаги "Ёш авлод" ва "Орол" соғломлаштириш лагерларига, 64 нафар фахрийларга санаторияларга дам олишга йўлланмалар берилди.

Спортнинг нақадар аҳамияти беқиёс эканлигини хотин-қизларга тарғиб қилиш мақсадида жойларда "Отам, онам ва мен" деб номланган оилавий спорт мусобақалари ўтказилаяпти.

Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси уюштирган ҳар бир режа ва тадбир уларнинг ҳаётига бир чимдим нур киритиш учундир.

**М. МИРСОДИҚОВ ёзиб олди.**



# БОҒЧАГА ХАЛҚАРО ДИПЛОМ

- Ер, сув, ҳавони тоза тутиш, табиатни асраб-авайлаш ҳар бир фуқаронинг инсонийлик бурчи. Негаки, биз табиат фарзандларимиз,-дейди Хоразм вилояти, Хива туманидаги «Орзу» болалар боғча-ясли мудираси Гулнора Мадримова. - Мана шу туйғуни ёш авлод қалбида болаликдан шакллантириш муҳим вазифадир. Бизнинг боғчамизда ташкил қилинган табиат музейи худди мана шу мақсадга йўналтирилган.

Музейда она табиат кенг акс эттирилган. Ўсимликлар ва қушлар дунёси, сув ва қуруқликдаги ҳаёт, уй ва ёввойи ҳайвонларнинг турлари, табиат ноз-неъматлари кўз ўнгингизда намоён бўлади.

Болаларнинг ўз қўллари билан ясалган табиат эҳсонлари, расмлари ҳам қизиқиш уйғотади. Махсус хонада эса юзга яқин гулларни болаларнинг ўзлари парвариш қиладилар.

Боғчадаги экологик машғулотлар, танловлар табиат музейида ўтказилади. Музейни ташкил қилиш ва уни турли хил экспонатлар билан бойитишда тадбиркорлар яқиндан ёрдам бердилар. Айниқса, "Олтин воҳа" хусусий фирмаси, "Хива мебель" жамоа корхонаси ҳомийлик ёрдамини аямаяптилар. Боғчамиз табиатни асраш бўйича ўтказилган мактабгача муассасалар ўртасидаги танловда ғолиб чиқиб, биринчи даражали диплом билан тақдирландик. Халқаро "Экосан" жамғармасининг дипломи ва пул мукофотига мушарраф бўлдик. Робия Олимова, Зулфия Назарова, Зиёда Жуманиёзова каби тарбиячиларимиз ўз ташкилотчилиги, ташаббускорлиги билан ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлишаяпти.

Яқинда боғчамизда вилоят мактабгача тарбия муассасалари ходимлари иштирокида кенг қамровли кенгаш ўтказилиб, ўзаро тажрибалар алмашилди. Биз болажонларда табиатга меҳр туйғусини уйғотиш борасидаги изланишларимизни изчил давом эттирамиз.

**Абдулла САФОЕВ ёзиб олди.**

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Малика опа Мамадалиеванинг ҳаётда ўз шиори бор: "Инсонни лавозим эмас, ақл ва билим безайди".



Ҳа, опа ушбу шиор билан 40 йил сермашаққат, аммо шарафли касб-прокурорликка доғ туширмай ишлади. Битта соҳада салкам ярим аср ишлашнинг ўзи бўлмайди. Жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ўз шиорини маёқ деб билди, бу аёл!

Аёллигини баҳона қилиб ишни бўшаштирмаган ҳам шу

# ИЗЗАТИ БЕКАРАМ МУҚАДДАС АЁЛ...

Малика опа бўлади. Ишни деб эгизак фарзандлари - Хасан ва Зуҳрани ўз ҳолига ташлаб қўймаган ҳам шу она Малика опа бўлади. Ҳаётнинг баъзан юлдузли, тунли, сўқмоқли, нурли, сояли, қуёшли йўлларидан гоҳ қийналиб, гоҳ суюниб дадил одимлашга интилган ҳам Малика опадир.

Аёл - ожиза дейишади. Лекин қаҳрамонимиз ўзини ожиза деб билмади. Ҳамма прокурорлардек ўз ишига, ўз иш кунига қатъият билан қаради. Эрталаб бошланган иш куни, баъзан қоронғугача, баъзан эса ярим тундан ҳам кўпроқ бўлса-да нолимади. Тунда хамир қориди, нон ёпди, кир ювди, дазмол босди. Тўйиб ухламаса-да, фарзандларини оқ ювиб, оқ таради. Касбига, унга бўлган ишончга доғ туширмаслик учун қандай лавозимда ишламасин, барига бирдек кўнгил қўйиб ишлади.

Устозлари - Абдулҳай Рўзиев, Аҳмаджон Азимов, Эшон ака Нишонов (охирати обод бўлсин) ҳар гал иш жараёнидаги кўп сир-синоатлар билан бирга одамийлик, камтарлик, ўзгаларга яхшиликни соғиниб яшашни ўргатишган.

- Маликахон синглим! Одамларнинг мақтовидан бошинг кўкка етмасин, уларнинг ҳасадидан бошинг ерга тегмасин. Ўзингни бирдай тут,-дердилар устозлари.

Иш фаолияти давомида Наманган, Андижон вилоят прокуратураларида прокурор ёрдамчиси, бўлим бошлиғи, бўлим прокурори, туманлараро прокурор ёрдамчиси, Андижон шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси вазифаларида сидқидилдан ишлади.

Ҳа, Малика опанинг хизматлари беқиёс. У вилоятда жиноят ва қонунбузарликларнинг камайишида ўз ҳиссасини қўшган аёл. Чунки Малика опани шаҳару қишлоқлардаги корхона, ташкилотлар, мактабу маҳаллаларда қадами етмаган жой йўқ, десам муболаға бўлмайди. Одамларнинг ҳуқуқий онгини оширишда, ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий тарбиясига ижобий таъсир қилишда опанинг хизматлари кўп бўлди.

Эл-юрт ардоғи - улуғ бахт дейишади. 1998 йили М.Мамадалиева Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра "Жасорат" медали билан тақдирланди. Бу - опанинг умри давомида прокуратура идораларида узоқ йиллар нуқсонсиз ишлагани, қонунчиликни мустаҳкамлашда кўрсатган ғайрат ва шижоати учун берилган муносиб баҳо эди.

Малика опа 2004 йил тантанали равишда нафақага кузатилди. Шу йили Хаж амалларини бажариб, ҳожи она бўлиш шарафига муяссар бўлди.

Бугунги кунда Малика опа фарзандлари ва бир этак набираларининг ардоғида, ҳурматидадир. Эл-юрт, фарзандлари, ҳамкасбларининг эътибори, ҳурматидан опа ҳамиша мамнун.

Ҳаммага яхшиликни соғинувчи, ўзгалардан ёрдамини аямайдиган, кўпчиликнинг маслаҳатгўйи бўлган Малика опа Мамадалиевага дунёдаги энг яхши тилакларни тилаймиз.

**Саида АҲМАДЖОНОВА,**
**Андижон вилояти.**

# ОЛИМА ҲАҚИДА ФИЛЬМ

**Ахборот**

Яқинда Республика Кинончилар уйида "Вақт шамоллари" ҳужжатли фильмининг тақдимот маросими ўтказилди. Мазкур фильм Ўзбекистон Қаҳрамони, тиббиёт фани соҳасига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган таниқли академик Малика Абдуллахўжаева фаолиятига бағишланган.

Таниқли олима тиббиётнинг паталогоанатомия соҳаси бўйича дунёдаги энг кўзга кўринган мутахассислардан ҳисобланади. Унинг бу борада олиб бораётган илмий изланишлари, амалиётга киритаётган ютуқлари дунё бўйича тан олинмоқда.

Ҳозирги кунда Малика Абдуллахўжаеванинг тиббиёт соҳасидаги турли хил долзарб масалаларга бағишланган рисолалари ва мақолалари хорижий мамлакатларда қайта-қайта чоп этилмоқда.

**Ўз мухбиримиз**

*Ушбу саҳифа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Оналик ва болалик муаммолари, Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар»*

## Х. РАШК

Рашк — ошиқнинг севгилисига бўлган оташ муҳаббатидан вужудга келадиган исёнкор туйғу. У фақат инсонларга хос бўлиб, бошқа ҳар қандай махлуқот бундан мустаснодир. Демак, барча катта-кичик, шохли-шохсиз ҳайвонлар, жониворлар, паррандалар, сув жонзотларида рашк туйғуси бўлмайди, балки қизғаниш инстинкти бўлади, деганидир. Мана шу туғма инстинкти туфайли улар ўз жинсидаги рақиблари билан урғочиларини талашадилар, уришадилар, ҳатто, ўлимга олиб борувчи жангу жадалларга киришадилар. Қайси бирлари ғолиб чиқса, поданинг энг гўзал сулуви шуники бўлади. Подалар, тўдалар орасида азал-азалдан бу қонуният норма бўлиб келган. Шу йўсинда подада ҳам, тўдада ҳам, галада ҳам табиий танланиш ҳукм суриб боради...

Инсоният ўртасида эса қизғаниш, аксарият, ҳа, аксарият, суст кечади. Чунки ақл одамзотни онгли мулоҳаза юритишига мажбур этади. Пировардида, муаммо тинч йўл билан ҳал қилинади. Кўп ҳолларда шундай...

Рашк эса ўта қудратли туйғу бўлиб, баъзан онгга бўйсунса, баъзан бўйсунмайди. Нима бўлганда ҳам у турли кўринишларда, турли мазмун ва ҳолатларда ўзини намоён этади. Масалан, йигит ўзи севган ёрини, эр ўзи яхши кўрадиган рафиқасини бошқа бировлардан рашк қилса, билингки, йигит севикли қизига, эр яхши кўрадиган хотинига кўнгил қўйган, муҳаббатини берган, меҳрини, қалбини тақдим этган. Булар шу йигитнинг, шу эрнинг бағоят азиз, ниҳоят нозик туйғуларидирки, уларни қадрламай, ҳимоя қилмай бўлмас!

Инсоний нуқтаи назардан айтганда, шу муқаддас аталгуси туйғуларни ҳимоя қилмаган, унга жонини тикмаган йигит ҳам, эр ҳам эркак эмасдир!...

Нима қилайликки, биз инсонлар орасида дардманд рашк, деган ғайри-табиий туйғу ҳам учраб туради. У, баъзан, соғлом рашк кучайгандан кучайиб бориб, дардга айланиб кетган ҳолларда юзага чиқса, баъзан, бесабаб, бедалил хаёлий рашк васвасаси мияга ўтириб қолганда юзага келади. Бу хилдаги дардманд рашк айрим эркакларда (аёлларда ҳам, албатта) енгил-елпи кечиб оила аъзоларида айтарли ташвиш туғдирмаса, айримларда ўта кучли юзага чиқиб, қулоқ эшитмаган ташвишларни, азобу уқубатларни келтириб чиқаради. Бунда, аввало, рашкчи шахс, бизнинг мазкур лавҳамизда эр, изтиробда қолади.

Ўрни келди, чамаси, бўлиб ўтган воқеалардан айтиб берсам.

**Биринчи воқеа.** Бир куни Жалол ишдан келса, уйда хотини йўқ. У хотинини "Раъно! Раъно!" дея чақиришга тушди. Хотини жавоб бермади. Унинг "жинояти" устига келиб қолган бўлмай", деган восвос хаёл бутун эс-ҳушини қамраб олди. Сўнг товуш чиқармай секин-аста уй ичларини, ошхонани, молхонани синчиклаб кўздан кечириб чиқди. Хожатхонанинг эса эшигини эҳтиётлик билан секин очиб кўрди. Бу ерда ҳам йўқ. "Жазмани билан болхонада писиб ётган бўлса-чи?" деган хаёл миясига тепти. Ерга ётқизиб қўйилган нарвонни кўтариб болхонага қўйди. Болхонага улар нарвонсиз чиқа олмаслигини эса хаёлига ҳам келтирмади. Юқорига секин чиқди. Чўққайиб жим ўтирганча, босиб қўйилган хашакларни кузатди. Хашаклар қимирламади. Шитирлаган товуш ҳам эшитилмади. Ўрнидан турди. У ёқ-буёқларни қараб чиқди. Ҳеч зоғ йўқ. Пастга тушди. Боши қотди. "Мен қарамаган яна қаер қолди", - ўйлади, у. Шу топ, айвон тагидаги ертўла лоп этиб эсига тушди. Эти жунжикиб кетди. Узун-узун тўртта қадам билан етиб бориб унинг эшигини очди. Ҳеч ким йўқ. Қоп-қанорларнинг орқасини қараб чиқди. У ерларда ҳам бирон кимсанинг қораси кўринмади. Сал қоронғилик қилди чоғи, чироқни ёқиб қаради. Барибир, ҳеч ким кўринмади. Ҳовлидаги каравотга ўтирди.

# ЭР-ХОТИНЛАР ТОИФАСИ

Рашк ўти уни бешбаттар алангасига олди. "Абдурасулникига чиқиб кетган бўлса-чи?! Кўпинча, хотини уйда бўлмайди... У ёлғиз ...Хотиним у билан..."- дея ўйлаб кетди. Шу фикри бирдан ишончлироқ кўринди. Бутун баданини совуқ тер босди. Даст ўрнидан турди-да, югурганча бориб қўшнисининг эшигини тақиллатди. "Абдурасул!" - деб уч марта чақирди. Ҳеч ким овоз бермади. Яна чақирсам, бошқа қўшнилар "Нима гап?"- деб сўраб қолмасин, деган андишада уйига қайтди. Эшик зулфи ёнида осиғлиқ турган қулфни эса кўрмади. Бориб яна жойига ўтирди. Бир-биридан хунук ўйлар, бир-биридан совуқ хаёллар миясини кемираверди. Уч кун бурун "Сиздан тўйиб кетдим... Ҳадеб мени шунақа сиқувга олаверсангиз... кетиб қоламан..."- деган хотинининг писандаси эсига тушиб қолди... Калласига бундан-да шум фикрлар кела бошлади:" Қаерга кетади? Кимникига кетади? Қайси ўйнашиникига боради? Ростанам, жазмани бор экан-да!"




Хуллас, минг хаёлга бориб, мингта мулоҳаза қилиб кўрди. Ҳеч бири унинг изтиробини пасайтира олмади. Ўзини босиб олмоқчи бўлди. Уддасидан чиқа билмади. Миясига ўрнашиб олган рашк васвасаси кучайгандан кучайиб бораверди... Шу пайт эшикни қоқиб Абдурасул кириб келди. У: "Жалол, қаерда юрибсан? Суюнчини чўз, ўғиллик бўлдинг!" - деб қолса, борми?! У қандай қилиб дўстини қучоқлаб олганини ўзи ҳам пайқамай қолди. Лекин, шу ондаёқ, кўнглидан " Хотинимнинг қорни унақа катта эмас эди-ку?" - деган хаёл ўтди. Бироқ буни қўшнисига сездирмади. Ногаҳон, "Қачон?!" - деб сўрашга журъат этди. Дўсти: "Уч соат бурун хотиним билан бирга уни туғруқхонага олиб борган эдик. Кўп ўтмай кўзи ёрибди. Ҳаммаси яхши эмиш. Ўзи ҳам, чақалоғи ҳам соппа-соғ эмиш, хотиним айтди, ошна!"- Бирпасдан сўнг, у: "Ювишнинг тараддудини кўравер!" - дея чиқиб кетди... Жалол эса дам қувониб, дам ҳозиргина кечирган восвос хаёлларидан уялиб ўтириб қолди... Бир замон "Чақалоқнинг менга ўхшайдиган ери бормикан?!" деган ўй миясига лоп этиб ўтирди... Ўрнидан даст турди. Туғруқхонага югурди...

Дардманд рашкчини ҳар қандай далил-исбот ҳам касал хаёлларидан озод эта олмайди, деганлари тўғри экан... Рашкчининг ақли бойланиб, кўзи кўр, қулоғи кар бўлиб қолиши шундан бўлса керак...

**Иккинчи воқеа.** Кунларнинг бирида дардманд рашкка мубтало бўлган Рашид рашкчи хотинининг зўри билан дўхтир қабулига борибди.

Дўхтир:

- Хотинингизни рашк қилишингизга сабаблар борми? - деб сўрабди ундан.

- Бор-да! - дея жавоб қилибди у.

- Қанақа сабаблар бор? Бир-иккитасини айтиб бера оласизми?

- Айтиб бера оламан... - дея ўйлаб кетибди рашкчи.

Дўхтир:

- Қани, бўлмаса, сиз айтаверинг. Мен ёзиб бераман, - дебди. Рашкчи ўйлабди... ўйлабди... ўйининг охирига ета олмабди.

Дўхтир:

- Айтаверинг, мен кутиб турибман, - дебди.

Рашкчи:

- Қизиқ бўлди-ю... дўхтир. Эсимга келмаяпти... Эсимга келаётганларини нима деб ёзса бўлади, билмадим?..

- Ундай бўлса, - дебди дўхтир. - Сизга икки кун муҳлат. Обдон ўйлаб, аниқ билиб келинг. Сўнг чорасини кўрамиз.

Рашид рашкчи икки кун ўйлабди, уч, беш кун ўйлабди. Рашкининг аниқ сабабларини ҳеч топа олмабди. Кейинги қабулда дўхтир:

- Сабаб топдингизми? - сўрабди ундан.

- Йўқ, топа олмадим, - деб жавоб қилибди у.

Дўхтир:

- У ҳолда турмуш ўртоғингизнинг жазманларини биларсиз? Исмлари нима? - деб сўрабди.

- Биламан...

- Қани айтинг-чи, мен ёзиб оламан, - дебди дўхтир. Рашкчи яна ўйлаб қолибди. Хаёлидаги рашк қилиб, ғаш бўлиб келаётган таниш-билишларини, қўшниларини, хотини ишлайдиган мактабдаги эркак ўқитувчиларни, ҳатто, туғишганларини кўз ўнгидан ўтказибди. Шу топ ўзига ўзи: "Ростанам, хотинимни шулардан рашк қилардимми? Ҳа, туғишган ака-укаларимни ҳам-а? Ҳа... Ёзишга арзигулик бирор воқеа бўлганмиди? Йўғ-ей... Улар билан хотиним нари-берида бир марта ҳам гаплашиб турганини кўрган эмасман-ку. Баъзиларининг исмини хотиним у ёқда турсин, ўзим ҳам билмайман-у... Туғишганларимдан рашк қилишимга бало борми?! Ё, алҳазар!" - дея пинакка кетибди.

Дўхтир:

- Мен кутиб турибман. Хотинингизнинг сиз шубҳа қиладиган жазманларининг исмшарифларини айтинг, мен ёзиб олай, - дея қатъий талаб қилибди. Рашкчи қанча бош қотирмасин, уларнинг биронтасининг исмини айтиб бера олмабди. Ўйлаган сари хаёлидаги "жазманлар" бекорчига чиқиб, кўз ўнгидан ғойиб бўлаверибди. Арзигулик далил, исбот топилмабди. Бундай ўйлаб қараса, барча рашкчиларнинг одатига кўра у ҳам бирон марта хотинининг битта бўлса ҳам "жазмани" билан учрашиб, гаплашиб муаммони ҳал қилмаган экан. Шунда у бироз ўзига келиб, хотинининг ўйнашлари фақат унинг хаёлида эканини тушунгандай бўлибди.

Дўхтир:

- Аёлингиз покиза аёл экан. Буни ўзингиз мана тасдиқлаб бердингиз. Хўп, десангиз бизнинг клиникада даволаниб кетинг. Ўзингизни ҳам, хотинингизни ҳам, бошқаларни ҳам қийнаб, азобга қўйиб юрманг, - дебди. Рашид рашкчи буни ҳам ўйлаб кўришга ваъда бериб, дўхтир қабулидан чиқиб кетибди...

**Азимжон ҚОСИМОВ**

# ТИЛ СУЯКСИЗ БЎЛСА ҲАМ СУЯКНИ ТЕБРАТАДИ

Одамларни бир-бирига ақлан, қалбан боғловчи туйғу ишонч. Унинг мазмунида ҳалоллик, сўз билан иш бирлиги, ваъдага вафо қилиш фазилатлари мужассам. Энг муҳим шарти эса, одамлар меҳрини қозониш. Ўзаро ишонч, ҳурмат ва меҳр бўлган жойда муносабатларни қасам ичиб тасдиқлаш шарт эмас. Афсуски, кейинги пайтларда кўпчилик ҳар бир сўзини қасам билан тасдиқлашга уринади. Ачинарлиси, бу муомала-муносабатларнинг бир шартидек қоидага кириб бораяптики, ташвиш туғдиради. Қасам, қасамёд сўзлари муштарак маъноларни англатади ва ҳар бир инсонга катта масъулият юклайди.

Лекин кимлар учундир қасам ичиш жўнгина, оддий иш. Баъзан ўзаро суҳбат чоғида ҳам гапларига бошқаларни ишонтириш учун қасам ичишади: "Нон урсин", "тил тортмай ўлай", "кўзим чиқсин", "Худо урсин..." Тап тортмай ўз ҳаётини гаровга қўйиб қасам ичади-я, деб хижолат чекиб турганингизда "болаларимни ўртага қўйиб айтаман", фарзандларимга ота ё она бўлмай" деб гапни илиб кетади суҳбатдошларнинг бошқаси.

Фаришталар омин, деб юборса-я, деб минг бир ҳадик-у хавотир жонингизни ўртаб турганида бошқа бировнинг "Қуръон урсин", деб юборганидан сесканиб кетасиз.

Бу борада болалар ҳам катталардан қолишмайди. "Ишонмасанг, нонни ўртага қўйиб қасам ичаман", "онам ҳаққи, отам ҳаққи", деб оддийгина гапларини ҳам қасам билан тасдиқлайди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад САВ "Аллоҳ сизларни оталарингиз билан қасам ичишдан қайтаради. Кимки қасам ичмоқчи бўлса, Аллоҳ номи билан қасам ичсин ёки жим бўлсин", деганлар. Бундан бошқа нарсалар билан қасам ичиш ҳам мумкин эмас.

Турмуш ташвишлари ҳар куни турли юмушларни бажаришни тақозо қилади. Кимдир ишни тезлатиш, бошқа биров қай бир муаммони силлиққина ҳал этиш, кимдир мўмай даромад, кимдир манфаат, фойда кўриш илинжида қасам ичади. Аммо булар орасида "кўпдан қолмай" тили ўргангани учун қасам ичадиганлари ҳам бор. Муиниддин Жувайний айтади: "Ёлғондан ичилган қасамнинг охири хорликдир".

Азизлар, ҳар куни эшитаверсак-да, эътибор бермайдиган, оддийгина туюлган, лекин касри-касофати оғир иллатга эътиборингизни қаратдик. Ухлаш олдидан бир кунлик ҳаётингизни сарҳисоб қилиб кўринг-чи: қасам ичиб юбормадингизми?! Билиб-билмай қасам, деб юборган бўлсангиз, бу оғир гуноҳ, тавба қилинг-да, эртадан тилингизга эҳтиёт бўлинг, айниқса, қасам ичишга. Тил шундоқ кучга эгаки, суяксиз бўлса ҳам суякни тебратади. Қасамхўр қасамнинг қурбони бўлиши мумкин.

**Бахшанда БОЛТАЕВА**

# БИРОВНИНГ БОЛАСИ...

Эрталаб ишга келганимда хонам ичидаги телефон тинмай жиринглларди. Шошиб эшикни очдиму, гўшакни кўтардим. Аёл кишининг овози эшитилди.

- Исмим Дурдона. Бекободдан қўнғироқ қилаяпман, лекин таҳририятга боришга истиҳола қилдим, - дея гап бошлади у. - Бир муаммони сира ҳал қила олмаяпман. Қариндошларимдан маслаҳат сўрасам улар ваҳимали гапларни айтишади.

**- Қанақа ваҳимали гаплар?**

- Боғчада ишлайман. Турмушга чиққанимдан сўнг эрим билан беш йил яшаб ажрашиб кетдик.

**- Нега ажрашдингиз?**

- Ўзимга қолса ажрашмасдим. Эрим муҳандис бўлиб ишларди. Оғир-вазмин инсон эди. Аммо, қайнона-қайнотам... Хуллас, улар яшашга қўйишмади. «Ўғлимнинг умри ўтиб кетаяпти, у тенгилар аллақачон ўғил тўйи қилишаяпти, ажрашасизлар», - деб туриб олишди. Эрим ота-онасини хурмат қиларди. Гапини қайтармади. Лекин менинг ҳам кўнглимни ранжитмади. Топиши яхши эди. Ими-жимида бир хонали уй олиб берди. Ҳар замонда келар, бирга ҳасратлашардик. Кейинчалик у уйланди ва умуман келмай қўйди.

**- Сиз-чи, турмуш қуриш ҳақида ўйламадингизми?**

- Ўйлаганим билан... Оила қуришдек бахт мен каби она бўлишдан маҳрум аёлга шарт эмас, деб ўйлаб куюнардим. Тўғри, аёлидан ажрашган ёки хотини вафот этган эркаклардан кўп совчилар чиқди. Лекин уларнинг ўзига ҳам, фарзандларига ҳам юрагим жиз этмади. Шундан сўнг пешонамга ёзилган ёлғизликда яшайвердим.

**- Ахир ёлғиз яшаш азоб эмасми?**

- Бу азобнинг нималигини бир Оллоҳ ва бир ўзимгина биламан, холос. Яқинда боғчамизга янги, тўрт ёшлардаги бола келди. У жуда ширин ва ёқимтой эдики, кўришим билан кўтариб бағримга босишдан ўзимни тия олмадим.

Бола мен таътилда пайтимда келган экан. У ҳам ортимдан эргашиб юрар, ўтирсам келиб дарров тиззамга чиқиб оларди. Ҳатто, шу ўтиришда ухлаб ҳам қоларди. Энага эса кулиб: «Сиз бу ширинтойнинг дадасини кўрсангиз эди. Жуда ўктам, келишган эркак экан, - деб қўйди. Хуллас, оқшомда сал кечикиб боланинг отаси келди. У ҳайдовчи бўлиб ишлар экан. Эркакни кўрдиму юрагим жиз этиб, ҳаяжонлана бошладим. Сарварни кийинтириб, унинг қўлига нарсалари солинган сумкасини тутқаздим. Эркак эса: - Энди Сарвар сизнинг қўлингизда бўладими? Жуда хурсандман. Ҳатто унга ҳавасим кела бошлади,-дея жилмайди.

Бир куни у жуда ҳам кеч келди. Сарвар отасини соғиниб йиғлашга тушди. Уни кўтариб, ҳовлида айланиб юргандим, отаси келиб қолди. Унинг кеч келишидан жаҳлим чиқиб кетганди.

- Сиз банд бўлсангиз онаси келиб олиб кетса бўлмайдими болани? Йиғлаб ичаги узилай деди-ку, - деб юбордим.

**- У кишининг жаҳли чиққандир?**

- Йўқ, узр сўради-да, ўғлини қўлимдан олиб чиқиб кетди. Бир куни у жиянини олиб келиб таништирди-да: «Олисга, хизмат сафарига кетаяпман. Ўғлимни шу йигит олиб кетади»,- деди.

**- Кейин-чи?**

- Бир куни мен унинг жиянидан Сарварнинг онаси ҳақида сўрадим. У: «Кеннайимнинг вафот этганига уч йил бўлди. Амаким Сарварни ҳеч кимга бермасдан ўзи катта қилди. Уйлантирмоқчи эдик. Сира кўнмаяпти. Кўнглига ёқадигани топилса ҳам, боласига ўгайлик қилишидан қўрқаяпти», - деди. Мен бу гапни эшитгач бировнинг қайғусидан қувониш яхши эмаслигини билсам-да, хурсанд бўлиб кетдим. Чунки Сарварнинг отаси менга бошқача кўз билан қарай бошлаганини сезардим. Нима бўпти, шу ширинтойнинг онаси бўлсам? - дея ўйланардим.

**- Бу ҳақда Сарварнинг отасига айтдингизми?**

- Очиқчасига эмасу... Лекин бир куни Сарварни тушгача ўйнатиб келишга рухсат сўрадим. У эса: «Бугун мен ҳам бўшман, истасангиз бирга бораман, - деди. Шу куни шаҳар айландик. Ҳайвонот боғига бордик. Сарвар хурсандлигидан бирам қичқирарди-ки...

Анвар ака шу куни мени уйига таклиф қилди. Сарвар унинг қўлида ухлаб қолганди. Уйи жуда саришта экан. Сарвар билан роса ўйнадик. Тўғрисини айтсам сира уйимга кетгим келмасди. Мен болани, оилани жуда-жуда соғинган, ёлғизликдан юрагим эзилиб кетганди.

**- Шундай қилиб у совчилар юбордими?**

- Ҳа, совчисини жўнатган куни уйдагилар яхши кутиб олишди. Лекин унинг боласи борлигини билиб айнишди. Менинг юрагим эса Сарварга боғланган.



Бу болакай менинг нурсиз ҳаётимга нур олиб кирди. Аммо қариндошларим менинг Анвар акага турмушга чиқишимга қаршилик қилишаяпти. Мен эса...

**- Энди нима қилмоқчисиз?**

- Умримда биринчи марта ота-онамнинг айтганини қилишдан бош тортиб, шу болакайнинг онаси бўлмоқчиман. Эҳтимол унинг бошини силаб, меҳримни берсам Оллоҳ менга ҳам тирноқ ато этар? Ёки бу ишим хато бўлармикан? Менга бирор маслаҳат беринглар...

**Дурдонага: «Сиз ўз тақдирингизни ўзингиз яратинг. Шу ширинтойга меҳрингиз тушибди, отасига ҳам кўнгил қўйибсиз. Албатта оила қуринг. Эҳтимол, ота-онангиз топган инсон сизни бахтли қила олмас. Анвар ака сизга ўғли туфайли боғланиб қолган экан, балки бу тақдирдир? Ғойибдан бахт келмайди. Ҳар ким уни ўзи яратиши рост. Сиз Сарварга она бўлсангиз пушаймон бўлмайсиз!» - дея маслаҳат бердик.**

***Сизнинг фикрингиз қандай? Унга қандай маслаҳат бера оласиз, азиз мухлис?***

**ГУЛБАШАКАР**

*Қўнғироқларингиз...*

# БОЛАМНИ БЕРГИМ КЕЛМАЙДИ...

- Исмим Мастура, бир ўғил, бир қизим бор. Қорнимда беш-олти ойлик ҳомилам ҳам бор. Аммо ой-куним яқинлашган сайин юрагим сиқилиб кетяпти.

**- Нега?**

- Қайнонам болам туғилиши билан овсинимга олиб бермоқчи.

**- Овсинингиз бефарзандми?**

- Ҳа, овсиним асли қайнонамни синглисининг қизи бўлади. Тушганига тўрт ярим йил бўлди. Мана икки йилдирки кўрсатиб қаратишади, фойдаси бўлмаяпти. Овсиним ёмон қиз эмас,ажратиб олса опа-сингилчилик узилиб кетармиш.

**- Туғилажак фарзандингизни қайнингизга беришга сиздан розичилик сўрашдими?**

- Йўқ, бу ҳовлида қайнонамнинг айтган гапи қонун.Вужудимда болам қимирласа юрагим орзиқиб кетади. Эҳтимол онам раҳматлик тирик бўлганларида дардимга малҳам бўлармидилар. Бошқа дилдош топа олмаганимдан кун ора эримга йиғлайман

**- Умр йўлдошингизни бу хусусда фикри қандай?**

- Улар менга: "Қўйинг Мастурахон, сизга бундай асабийлашиш мумкин эмас. Ҳали бола туғилсин, эсон-омон бағрингизга босинг. Қўлингиздан ҳали ҳеч ким тортиб олаётгани йўқ-ку! Агар олганда ҳам бегона эмас менинг укамнинг қўлида, кўз олдимизда бўлади-ку",-деб кўнглимни кўтармоқчи бўладилар. Барибир, юрагим, ичим ёнаверади.

**- Қайнонангиз ҳам она-ку! Секин дилингиздаги изтиробингизни тушунтирмадингизми?**

- У кишига бир куни: -Ойижон! Қайни укамни бола олиб боқиш ниятлари бор экан, туғруқхонага бориб навбатга турсин, боласидан воз кечиб кетадиганлар топилиб қолар,- десам:

- Келинпошшо, сизчалик "каллам" бордир, мениям. Бешта болани кар-кўр қилмай туғиб катта қилган одам аҳмоқ эмасдирман. Зотини, ота-онасини тайини йўқ болани боқиб, оғзини қонга тўлдирадиган анойи эмасман. Яна бир марта менга шундай "фироқ" қилсангиз ўша ўгай онангизни олдига бориб туғаверинг. Анови икки болангиз, эрингиздан умид қилиб ўтирманг,-деб бақириб бердилар...

**- Энди қандай йўл тутмоқчисиз?**

- Билмадим, хаёлимга бўлмағур фикрлар келади-ю, яна худодан қўрқаман-да. Билсангиз, "бошқоронғилигим" шундай оғир ўтди-ки, ичган сувим ҳам ҳазм бўлмади, ўзим ҳам роса озиб кетганман. Шунча азоб билан дунёга келтирган боламни, туғруқхонадан расмийлаштириб уйларига олиб кетармиш. Менга қимматбаҳо тақинчоқ олиб берармишлар. Ўзимга қолса бўйим тенги тиллога ҳам боламни алиштирмаган бўлардим...

**- Синглим! Оллоҳ мушкулингизни осон қилсин! Сизни нима деб юпатишни ҳам билмаяпман. Аслида-ку, ҳали туғилмаган болага шунчалик надоматлар яратганга ҳуш келмас. Эрингизни ҳурмати учун, қолаверса икки ярим кўнгилни бут қилишингиз, бу жуда катта савобли иш бўлса керак. Томирида сизни қонингиз оқиб турганидан кейин барибир у сизнинг зурриёдингиз-да.**

***Бу бизнинг фикримиз. Сиз нима дейсиз азиз мухлис?***

**МУНАВВАРА**

# АЙБ КИМДА?..

**Йўл-йўлакай суҳбат**

Кўчада кетаётсам, орқамдан бировнинг: "Опажон, сизда гапим бор эди", - деган овозига ўгирилиб қарадим. Кўзим 30 ёшлар атрофидаги бир эркак ва 27-28 ёшлардаги ҳомиладор аёлга тушди. Улар олдимга келишди ва: "Мусофирмиз 2 та нонга етгулик пул бериб туринг, хизматингизни қиламиз", - дейишди. Минг сўм пулни уларга узатар эканман, гап қотдим: "Нима уй-жойингиз йўқми? Ота-онангиз, қайнона-қайнотангиз бордир? - Аёлига секин қорнига ишора қилдим-да, яна, - Шу аҳволингизда қийналиб қолмайсизми", - дедим.

Шундай кейин Асқар ва Махфират (исмлари шундай экан) ўз ҳол-аҳволлари ҳақида гапириб беришди. Айтишларича, улар севишиб турмуш қуришибди. Қиз олис юртдан бўлганлиги учун ота-онаси уни севган йигитига беришга рози бўлмабди. Норозиликларга қарамай, йигит қизни ўз юртига тўй-томоша қилиб олиб келибди. Аввал ширин орзу-ҳаваслар билан қурилган оила бир йил ўтар-ўтмас майда жанжаллар билан дарз кета бошлабди. Келинчак қайнонасининг қочириқ гапларига дош бера олмай, эрини олиб, ота юртига кетиб қолишибди. Отаси эса қўлида чақалоғи, эри билан кириб келган қизини уйига киритмай, кўчага чиқариб юборибди. Ўз ота-онаси, қайнона-қайнотасининг уйига сиғмаган бу оила мана икки йилдирки сарсон-саргардон бўлиб юришибди экан.

Шунда келинчакка сўз қотдим:

- Қайнона-қайнотангиздан кечирим сўраб, бирга яшанглар.

- Э, фойдаси йўқ. Борсак, қайнотам дарров: "Қачон кетасизлар?", деб сўрайди.

- Унда ота-онангизникига боринг, ёш болангиз бор, раҳми келар ахир, - десам:

- Отам қўймайди. Мени норози қилган қизнинг кераги йўқ, деяпти, - деди.

Хотинининг сўзига кириб, ота-онаси, уй-жойини ташлаб келган йигитга ҳам: "Сиз аёлингизни йўлга солинг. Ахир ўғлингиз сизларни кўриб вояга етаяпти. Яхшими-ёмонми ота-онангиз ёнига бориб хизматларини қилинглар. Кечиришар ахир, - дедим. У эса:

- Бир кунимизни кўриб кетармиз, ижарага уй чиқиб қолса, жойлашиб олармиз, - деди.

Яқинда бу эр-хотинни яна учратиб қолдим. Бу сафар аёлнинг қўлида 8 кунлик чақалоғи-ю, эрининг қўлида 2 ёшли ўғилчаси. Уларга ажабланиб қарадим-да: "Ҳали уйга қайтмадингларми", - десам: "Яхши бир квартира чиқиб қолди, ўша ёққа жойлашаяпмиз", - дейишди.

Ҳали ҳам ҳаловатини топмаган бу эр-хотиннинг ортидан қараб қолар эканман, беихтиёр бир савол туғилади: **- Айб кимда?!**

Сабрнинг бошини ушламаган эр-хотиндами? Келини ва ўғлини ёш боласи билан сарсон қилиб қўйган қайнона-қайнотадами? Ё қизини бағрига сиғдирмаган ота-онадами?

**Дилфуза ҲОТАМОВА,
Тошкент вилояти,
Бўка тумани.**

# ҲАММА ГАП АҲИЛЛИКДА...




**"Қизимга уйни берсангиз...", 2-сон.**

**ЭСЛАТМА: - Ўғлимни уйлантириш учун бир қизга совчиликка бордик. Қиз томондагилар маслаҳатлашишлари кераклигини айтишди. Қизнинг отаси эса бизга: ўғлингизнинг уч хонали уйини тўйдан олдин қизимнинг номига ўтказиб берасиз,-дея шарт қўйди. Биз ҳайрон бўлиб қолдик. Бу қанақаси? Ҳали уйимга келмаган келинга қандай қилиб уйимни бераман? Кейин қиз келин бўлишдан айниб қолса-чи?**

**Муаллиф: Гулбашакар**

Ушбу мақолани қайта-қайта ўқиб чиқдим. Онахоннинг ўғлини уйлантириш учун совчиликка борганлари, бўлажак қудаларнинг уларга шарт қўйганликлари дилимни ранжитди. Бунинг устига эркак қуда асли зиёли, институтда ёшларга сабоқ берар экан. Зиёли, ўқимишли одам, бўлажак қудаларга шундай шарт ҳам қўядими?!

Ҳурматли домла! Қизингизни сўраб келишибдими, уйини, жойини бориб кўринг, керак бўлса! Улар бир-бирини ёқтиришса бўлди-да. Ҳам қизингизни, ҳам қудаларни ва бўлажак куёвингизни ранжитиб, нимага эришасиз? Қизингиз уйсиз қоладими? Тўй қилиб, ўғлини уйлантирган қудалар уйнинг иложини қилади-да. Мана, уй ҳам тайёр эканку! Мен ҳам 4 та қизимни узатганман. Айримлари ер олиб, ҳовли қуриб, бахтли яшаяптилар.

Танангизга бир ўйлаб кўринг, қадрли домла! Сиз ўша бўлажак қудаларингиз ўрнида бўлсангиз, уй-жойингизни тўйдан олдин келинингизнинг номига расмийлаштириб беришса? Албатта йўқ! Ахир бўлажак қудалар қизингиздан ҳали нима каромат кўрдиларки, дарров уйни унинг номига расмийлаштириб берадилар? Қизингиз ҳали қудаларни ҳурмат қиладими ёки келинлик бурчини адо эта оладими йўқми? Ҳайронман сизга... Наҳотки узоқни кўзлаб, уларнинг бахтли бўлишини ўйламасангиз? Ёшларнинг кўнглига қарайлик, мол-дунё топилади. Улар бир-бирини севишса, ҳурмат қилишса, бахтига зомин бўлманг-да. Ҳалиям кеч эмас. Қудаларингиздан кечирим сўранг.

Халқимизда "эру хотин қўш ҳўкиз",-деган мақол бор. Эру хотин аҳил бўлса, уй-жой, машина ва бошқа нарсалар ҳам албатта топилади. Меҳнат қилса, рўзғорни бирга тортишса, ҳаммаси яхши бўлади.

**Ғайбулла АБДУЛЛАЕВ, Ғиждувон тумани.**

Аввало қуда бўлгувчи домла, мени кечирасиз! Муаллим бўлганим учун ёзишга мажбур бўлдим. Ўйланиб қолдим, сизлар томонларда қиз бола йигитга никоҳлаб бериладими ёки йигит қизга никоҳлаб бериладими? Ўзи катта оилани икки бора қилинадиган ташвишини орттирибсиз! Бўлажак қуриладиган бахти очилиш арафасида турган ёш оиланинг йўлини боғлабсиз-да! Эҳтимол, қизингиз бахтли бўлиб кетармиди? Ёки, янги бўлажак куёвнинг уйини қизингизнинг ҳисобига олиб, ўзингиз манфаат кўрмоқчимидингиз? Сиз қандай қилиб олийгоҳ жамоасида ишлаб келаяпсиз? Сиз домла, қонунга янгилик киритмоқчи бўлибсиз-а? Сиз ҳали маънавият, ҳуқуқ, бурч, инсонийлик, меҳрли оталар сафидан ўрин олмоққа анча кечикибсиз-ов?

Сиздан билим олган талаба ким бўлади?

**Эргаш АТОЕВ**

Мақолани ўқиб бир воқеа ёдимга тушди. Бундан 10-15 йил бурун Овчи қишлоқ фуқаролар йиғинига иш юзасидан бориб навбат кутиб ўтирган эдим. Ёш келин билан онаси кириб келишди. Турмуш қурганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ экан. Улар ҳам худди мақолага оид, уй масаласида келишибди. Келин тайёр уйга келган, яшаётган уйига ҳеч қандай меҳнати сингмаган. Қизнинг онаси қизи қанчалик куёвини севмасин, "Уйни қизим номига ўтказиб берасизлар, йўқса ажратиб олиб кетамиз",-деди идорани бошга кўтариб. Қиз эса ер чизиб онасининг гапидан хижолат бўлиб, ерга қараб турибди. Қайнона-қайноталар не орзу-умидлар билан биринчи ўғилларини уйлантиришган экан. Шунда куёвнинг онаси: "Қудажон, келинимни келганига ҳали бир йил бўлгани йўқ. Фарзандли бўлишсин. Невараларни кўрайлик, ўғил бўлса, тўйларини кўриб, ўзимиз ер олиб, уй ҳам қуриб берамиз",-деса ҳам, қизнинг онаси "йўқ", деб оёқ тиради. Ахир ҳар икки ёш бир-бирига муносиб, бир-бирини севишса-ю уйни деб қизларини бахтсиз қилишса... Охири фуқаролар йиғини раиси гапни лўндасини айтиб:

- Агар қизингиз уйда яшаб, бирорта шувоқ олиб, уйга қарашмаган бўлса, уйда ҳеч қандай ҳаққи йўқ. Агар ҳар иккиси кўнса, уйни ярмига ҳақи бор, гап тамом",-деди. Бу ўринда куёв—ота-оналари ҳақ. Келинининг феъл-авторини, муомаласини билиб туриб, шунча қийинчиликлар билан солган иморатни қайси ота-она келин номига ўтказади. Қизнинг оталари қизнинг бахтини ўйлабдилар. У қандай институтда дарс бераяпти экан? Наҳотки, бўлажак куёвни қўллаб-қувватлаш ўрнига, ҳозирдан камситса? Ҳамма ота-оналар ҳам ўғлимизга бир олам орзу билан келин қиламиз. Келиннинг қўлидан бир пиёла чой ичишни орзу қиламиз. Ўғлимиз кетидан келган келинни қизимиз,-деб ардоқлаймиз дейди. Қуда домланинг ўғиллари бормикан? Ўзлари ҳам тоғдан, ҳам боғдан келмай, уйни бўлажак келинга хатлаб берармиканлар? Ўзларини йигит томондаги шу оила ўрнига қўйиб кўрсинлар. Кейин билишади. Менинг ҳам 3 та ўғлим бор. Катта ўғлим уй қуриб чиқиб кетди. Иккинчи ўғлимга ҳам уй қилиб бердим. Қудаларим оз бўлса-да, ёрдам қўлларини чўзишди. Домлага ўхшаб: "Қизим ўтирган уйни хатлаб бер",-демадилар. Бутун бошли тўртта уй кичик ўғлимга қолди. Аттанг, домланинг орзу-ҳаваслари йўқ экан-да. Шунча катта лавозимда ишлаб, ўқувчиларга қандай дарс беришар экан. Мен жуда куёв томонга ачиндим. Домланинг шу туриши бўлса, қизларига ҳеч ким оғиз солмайди. Шундайлигича ўтиб кетади. Шунинг учун ҳали ҳам кеч эмас. Агар қизлари куёвни севса, яхшилик билан қизларини узатиб, бахтини, фарзандларини орзусини кўрсин.

**Паттихон САМАДОВА,**
**Фарғона вилояти,**
**Ўзбекистон тумани.**

**"Қиз бола - гул лола!" - 16 сон**

**ЭСЛАТМА: - Айрим оилаларда қиз болага нисбатан «бировнинг хасми», деб керагидан ортиқ эркалатиб юборилади. Уйида қизи бўла туриб, рўзғор ишларига овқат, ош-нонигача ўзи пиширадиган оналаримиз қанча. Онам рўзғор ишларини ўргатмагани учун келин бўлган хонадонда юзим қаро бўлди...**

**Муаллиф: Дилфуза Ҳотамова.**

# ҚИЗ БОЛА БИРОВНИНГ ХАСМИ...

Ушбу мақолани уч-тўртта аёл биргаликда ўқидик. Шунда улардан биттаси ўз бошидан ўтганларни гапириб берди.

- Биз оилада тўрт қиз ўсганмиз. Иккита опам далада ишлашарди. Уйга эса ҳориб-толиб келишар, овқатланишиб бўлгач, ухлаб қолишарди. Онам: - Майли, улар чарчашган-да, сен идиш-товоқларни ювиб қўйгин. Жойларини солиб, уйғотиб юборгин. Кир кийимларини ҳам ўзинг ювиб тозалаб қўй, - дер эдилар.

Мендан катта опам сигир соғар, овқат пиширарди. Мен ҳар доим уй тозалаш, кир ювиш, дазмоллаш, идиш-товоқларни саранжом қилишим керак эди. Йиллар ўтиб ҳаммамиз вояга етдик. Тўнғич опам жудаям чиройли бўлгани учун совчилар кўп келарди.

Хуллас, ўша опам қишлокдаги энг кўркам ва ўқимишли йигитга турмушга чиқди. Орадан ярим йил ўтди.Опамнинг уйида жанжал бўла бошлади. Ота-онам уйга аразлаб келган опамни бир неча марта яраштириб қўйишди.

Лекин опамнинг турмуши барибир бузилди. Уларнинг охирги жанжали куни унинг қайнонаси ҳам уйимизга келди.

Онамнинг:

- Қизимнинг қандай айби борки нуқул камситасиз? - деган саволига ловуллаб турган қайнона шундай жавоб берди:

- Қизингиз ёмон деяётганим йўқ. Аммо сал уқувлироқ ҳам бўлиши керак-да, келин дегани! Овқат қилишни билмайди. Нон ёпишни-ку умуман уддалай олмади. Бир амаллаб овқатини пиширса ҳам ҳамма туриб кетгач дастурхон ёйилганча пашшага таланиб ётади. Вақтида ювиб-тозалаб жойига қўйишни билмайди. Ҳамма нарсани шундай ташлаб қўйиб кириб ухлайди. Боласининг иштончалари-ку, уч кунлаб ювилмайди. Элу юртдан уялиб индамадим. Қўлимдан келганча ўргатдим. Аммо ўзининг табиатида йиғинчоқлик, саришталик бўлмаса қийин экан. Бундай аёл билан яшаб боламнинг бири икки бўлмайди. Шунинг учун бу гал ўғлим ярашмайди. Боласига ана, алиментини тўлайди.

Кўзим тиригида ўғлимнинг рўзғорига барака киритадиган, эпликкина қизни олиб бераман, - деди-да, фотиҳа ҳам қилмасдан туриб чиқиб кетди. Бизнинг шу вақтдаги аҳволимизни кўрсангиз... Отам бошини эгиб олганча дастурхоннинг попугини ўйнайди, онам эса қўрқиб отамга қараб-қараб қўяди. Опам эса боласини бағрига босганча пиқиллаб йиғлайди.

Бирпасдан сўнг отам онамга:

- Мавлуда, ҳамма қизларингни буёққа чақир, - деди.

Ҳаммамиз ишимизни ташлаб қўрқа-писа дастурхон ёнига ўтирдик.

- Сен қуданинг гапларидан хафа бўлдинг Мавлуда, шундайми? Лекин бундоқ олиб қараганда биз тарбияни тўғри бермаган эканмиз. Эсингдами, Дилдор билан Азиза даладан келишгач индамай туриб-туриб кетишарди.

Ҳамма ишларни кичкинанг қиларди. Катталарига ҳам идиш ювишни, дастурхон йиғишни сен ҳам айтмасдинг, мен ҳам индамасдим. Ўшанда қаттиқ туришинг керак эди. Энди эса кеч. Ҳалиям бўлса қолган қизларингни ишга сол. Яна булар ҳам борган жойида Мукамбарнинг ҳолига тушиб юришмасин!

Далага ҳам чиқишади. Келишиб уй ишларини ҳам бажаришади. Ана ундан сўнг турмушга берамиз. Гап шу! - дея отам ўрнидан туриб кетди.

Отамнинг гаплари тўғри эди. Ўйлаб қарасам, мен уй тозалаш, кир ювиш билан банд бўлиб, овқат пиширишни унча билмасдим. Нонни ҳам ёпа олмасдим. Бу воқеадан ўзимча хулоса чиқарганман. Эртасигаёқ мактабдан келиб, онамнинг ёнида туриб хамир қордим. Тўғри, унча яхши билмасам-да, ҳар қалай амалладим. Кейин овқат пиширишни ўргана бошладим. Онам эса билмаганимизни сабру тоқат билан ўргатиб турарди.

Орадан уч ой ўтди. Бу орада тўнғич опам жон-жаҳди билан ишларни ўрганди. Шу қадар ораста бўлиб кетдики, ҳовлимиз ярақларди. Пиширган таомлари бир-биридан мазали эди. Уч ой деганда эри жиянимни кўргани келди. Опам эса дарров чучвара тугишга бошлади. Поччам овқатни еган, мамнун бўлди. Опамни мақтади.

Бир ҳафтадан сўнг қуда хола келди. Опамни уйига олиб кетди. Шундан сўнг бир ой ўтиб, уйга келган қуда хола лаби-лабига тегмай опамни роса мақтади.

Бу бизнинг хатомиз эдими ёки онамнинг хатосими, ишқилиб ҳаммамиз эпчил, озода, пазанда бўлиш, ўзга уйга борганда нечоғлик зарур эканлигини вақтида англаб етгандик. Кейинчалик бирин-кетин биз ҳам турмушга чиқиб кетдик. Лекин опамдек борган жойимизда дакки эшитиб, мулзам бўлмадик, чунки ҳамма юмушларни ўрнига қўйиб бажаришни ўрганиб олгандик.

Қиз бола бировнинг хасми, демак, у ота уйида ҳамма нарсани билиб олиши керак. Қанча кўп нарса ўрганса қайнона уйига борганда шошиб қолмайди. Аксинча, ўз билимини намойиш этиб ота-онасига мақтов келтирар экан. Шу боис уйида қизи борлар ҳам бу гаплардан тегишли хулоса чиқаришса фойдадан ҳоли бўлмайди.

**Авезжон БЕКМУРАТОВА**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



**Жияним АЛИШЕР!**

Туғилган кунинг билан табриклаймиз. Ота-онанг бахтига соғ бўл. Яхшилар ва яхшиликлар ҳамроҳинг бўлсин.

Яқинларинг.

**Набирамиз АСАДБЕК!**

Таваллуд айёминг—1 ёшга тўлишинг билан муборакбод этамиз. Сенга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Келажакда етук инсон бўлиб вояга етгин.

Бувинг, бувинг





**Онажонимиз ХОСИЯТ опа!**

Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин. Биз фарзандларингиз бахтига доим соғ-саломат бўлиб, узоқ умр кўринг.

Фарзандларингиз.

**ДИЛХУМОР опа!**

Туғилган кунингиз билан табриклайман. Хонадонингиз сиз туфайли бахтиёр онларга тўлиқ бўлсин. Сизга соғлиқ, бахт тилайман.

София



**Ҳурматли ЗУҲРА кеннойи, НИГОРАХОН ва ИБРОҲИМ ака!**

Туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингизда ривож тилаймиз.

Исроил, Назокатхон, Наимахон.

**ЖАСУРБЕК ва ЖАҲОНГИР!**

Туғилган кунингиз билан муборакбод этамиз. Ҳаётингиз қувончли кунларга бой бўлиб, орзуларингиз амалга ошсин. Соғ-саломат бўлинглар.

Яқинларингиз.

**Азиз акажоним Дилшодбек НИШОНОВ!**

Туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Оилангиз, фарзандларингиз бахтига соғ бўлиб, узоқ умр, кўринг.

Зилола, Инжубону, Шукрона

М. Улуғбек туман ҳокимиятидан (манзил: Устабоев 1-тор кўча, 33-уй) рўйхатдан ўтган **«Махсусэнергомонтажсозлаш»** хусусий корхонаси ўз иш фаолиятини тугатади. Даъволар 2 ойгача қабул қилинади. **ТЕЛ: 65-20-75**

# ЯЙЛОВДАГИ КАРОМАТ

Косон қўрғонига туташ жойлашган Месит маҳалласи авваллари алоҳида "Зарбдор" деб аталган колхоз бўлган. Меситлик Қодирқул бобо ана шу колхоз қўйларини боқувчи чўпон бўлган. Умрининг асосий қисмини сурув ортидан яйловда ўтказиб келаётган бу инсон художўй, ҳалол-пок, меҳнаткашлиги билан йигитлигидаёқ ҳамманинг эътиборига тушган. У ихтиёридаги сурувни йил бўйи, Оқтепа тарафдаги Қорақум ерларига туташ кенг яйловда боқиб, шу ернинг ўзида қишлаб ҳам қоларди.

Чошгоҳ чоғи ёйилишиб ўтлашаётган қўйлардан сал нарироқда ёнбошлаб ётган Қодирқул бобо осмондан тушгандек рўпарасида пайдо бўлган қарияни кўрди-ю, чаққон ҳаракат билан ўрнидан турди ва қарияга салом берди. Саломалик қилишиб, ҳол-аҳвол сўрашишгач, қария гап қотди:



ҒАРОЙИБ

- Мен сизни узоқ кузатдим. Художўй, фариштали одам экансиз. Ҳалол ишлаб, ҳалол яшаркансиз. Шундай бўлиши яхши. Сиз худонинг назари тушган одамсиз. Шу қатори менинг ҳам назарим тушди. Икки дунёдаям кам бўлмайсиз. Мана бу халтачада пул бор. Олинг, рўзғорингизга ишлатасиз. Шарти шулки, фақат рўзғорингиз эҳтиёжларига, оила аъзоларингиз харажатларига, ҳалолга ишлатинг. Ҳаромга, аччиқ нарсаларга асло ишлата кўрманг. Кейин мана бу телпак ҳам сизга. Телпакни ҳам авайлаб, асраб кийинг. Бошингиздан ечганингизда ерга қўйманг. Кийишга эҳтиёж бўлмаган чоғларда уйингизнинг қибла тараф тўридаги қозиққа илиб қўйинг. Ерда, оёқ остида қолмасин. Кўзи ёришда қийналган, тўлғоғи чўзилган аёллар бу телпакни кийиб турса, дарҳол кўзи ёриб, чақалоғини эсон-омон қўлига олади. Ҳозир қишлоғингизда бир аёлни уч кундан бери дард тутиб, кўзи ёримай қийналиб ётибди. Сиз тезроқ қишлоққа етиб бориб, шу аёлни суриштиринг ва телпакни аёлга зудлик билан етказдиринг. Шошилинг.

Қария шундай дебди-ю, бу ерда осмондан тушгандек қандай тўсатдан пайдо бўлган бўлса, худди шундай ерга сингиб кетгандек бир нафасда кўз очиб юмгунча бўлмай ғойиб бўлибди. Қодирқул бобо бир қўлида халтача, бир қўлида телпак билан ҳангу манг ҳолатда бир фурсат гангиб турибди. Осмонга боқибди, қария турган жойни аввал таёғининг учи билан нуқиб кўрибди, сўнг кафти билан пайпаслабди, ҳеч бир из, ном-нишон кўрмабди. Сўнг сурувни қўтонга қамаб, зудлик билан қишлоққа жўнабди. Суриштириб, уч кундан бери дард чекиб, азобланиб ётган аёлни аниқлабди. Телпакни тайинлаб бериб юборибди. Кўп ўтмай аёлнинг кўзи ёриганини хабар қилишиб, телпакни суюнчи билан қайтаришибди.

Қодирқул бобо халтачадаги пуллардан ҳам рўзғор эҳтиёжларига ишлата бошлабди. Қанча харажат қилмасин, пуллар камаймаскан. Чунки бугун эрталаб бир танга харажат қилса, кечгача ёки эртаси эрталабгача қандайдир баҳона-ю сабаблар билан икки танга ишлаб топаркан. Кутилмаганда кутилмаган жойлардан пул топавераркан. Шу бўлса керак-да ғойибдан етказгани.

Шундай қилиб, яйловда ғойибдан пайдо бўлиб, каромат кўрсатган нуроний қариянинг айтганидек телпак Қодирқул бобонинг авлодларини балоқазолардан асраб, қанчалаб дарди оғир кечган аёлларнинг жонларига оро кирибди. Халтачадаги пуллар эса, давлатига давлат қўшиб, авлодларига ҳам ризқ-насиба бўлибди. Қишлоқда Қодирқул бобонинг обрўси янада ошибди. Ҳизр кўрган киши сифатида эъзозланибди. Қодирқул бобонинг орттирган ҳурмат-эътибори фарзандлари, кейинги авлодларига ҳам етиб асқотди. Улар ҳозир ҳам қишлоқдошлари эътиборида иззат-икромли яшашади. Ўзлари ҳам одамларга фақат яхшилик, эзгулик тилашади, ҳимматли, саховатли инсонлардир бу авлод.

Қодирқул бобонинг набираси Холбиби Нарзуллаеванинг таъкидлашича, Қодирқул бобо қазо қилганидан сўнг қозиқдаги телпакни ҳам, ёстиғи тагида турадиган халтачани ҳам ҳеч ким қайтиб кўрмаган.

**Нормамат ТОҒА,**
**Қашқадарё вилояти, Косон шаҳри.**

# ЎЗИНГИЗНИ ГУНОҲДАН САҚЛАНГ!

Ҳамма ўқувчилар паспорт олиш ёшига етганлиги сабабли суратга тушишаётганди. Шулардан бир ўғил бола уч марта тушса-да, сурати негадир кўнглига ўтирмади ва у шу ишга масъул аёлга:

- Устоз, мен яна қайтадан суратга тушсам майлими? - деб сўради.

Шўх аёллар даврасида кулишиб турган устоз ўқувчисига:

- Қозонда бори чўмичга чиқади, яна тушганда нима ўзгарарди? - дейишга деди-ю, бехосдан боланинг дилини оғритганини ҳис қилди. Афсуски, айтилган гап, отилган ўқдир.

- Майли, - деди-ю, бола устозидан узоқлашди.

Ойлар кетидан йиллар ўтди ва шу устоз чақалоқлик бўлди. Болани қўлига олганида унинг кўзлари ғилай эканлигининг гувоҳи бўлди-ю, ўша ўзи билмаган ҳолда унинг кўзларини бетига айтган ўқувчиси кўз олдига келди.

Бу воқеани ёзарканман, демоқчиманки, Оллоҳ ҳамма нарсани билгувчи ва кўргувчидир. Шунинг учун ўзингизни гуноҳдан сақланг, азизлар!

**Фотима БОЛТАЕВА,**
**Қўшкўпир тумани.**

**АБДУРАҲМОН** хусусий шифохонасида

**ТОМОҚ, ҚУЛОҚ, БУРУН СОҲАСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ КАСАЛЛИКЛАР:**

**1.** Гайморит, фронтит, этмоидит, стеноидитни пункциясиз даволаш усуллари.
**2.** Аллергик вазомотор ринитлар.
**3.** Йирингли ва йирингсиз отитлар. Эшитишнинг пасайиши ва қулоқдаги шовқин.
**4.** Болаларда тез-тез учрайдиган ларингит, овознинг бузилиши ва томоқдаги "тиқилиш ҳисси" сабаби аниқланмаган йўтал.
**5.** Лор аъзолари яллиғланиши касалликларини лазер билан даволаш.
**6.** Танглайдаги бодомсимон без олиб ташланганидан сўнгги фарингитлар.
**7.** Шалпангқулоқликни, буруннинг ташқи кўриниши ва бурун деворини жарроҳлик йўли билан даволаш самарали усуллар билан бажарилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 17, 32а уй. Телефон: 276-85-86, 116-88-02. Мўлжал: "Чилонзор" метроси бекатидан "Собир Раҳимов" метроси томонига 500 метрча юрилиб, ўнгга бурилади.**

**"АДҲАМ АУДИТ" ХАТи**

**Фирмаларга қуйидаги йўналишда бош бухгалтерлар тайёрлайман:**

**1.** Ишлаб чиқариш. **2.** Хизмат кўрсатиш. **3.** Улгуржи-чакана савдо ва умумий овқатланиш. 30 йил малакаси бор бош бухгалтер-ревизор ўргатади. Институт ва коллежларни "бухгалтерия ҳисоби ва аудит" бўйича битирган ва битираётганларга жуда фойдали. **Тел: 247-31-55, 347-50-10.**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).** - Ушбу ҳафта қўй буржидагилар учун омадли кечади. Зиммангиздаги ишни муваффақият билан бажарасиз.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Шахсий масалаларингиз ҳал бўладиган ҳафта. Давраларга бориб, дам олганингиз маъқул. Уй масаласига боғлиқ ишингиз ҳал бўлади.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Кўпдан буён азоб бераётган касалингиздан фориғ бўласиз. Бу ҳафтада касбдошларингиз ёрдамидан воз кечманг.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Ҳафтанинг ўртасига бориб ишларингизнинг унуми ортиб боради. Янги вазифага ўтишингиз эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Бу ҳафта кўпроқ харидлар ва уй-рўзғор ишлари билан шуғулланишингиз учун қулай. Мебелларингиз жойини алмаштиринг.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Ҳар қандай саёҳатингиз кўнгилли ўтади. Ажойиб инсонлар билан танишасиз. Қўшниларингиз билан илиқ муносабатда бўлинг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Дўстларингиз билан учрашишга ҳаракат қилинг. Янги режалар тузинг. Ҳафта охирида эса дам олишингиз керак.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Агар вақтни зое кетказмасангиз кўп ишларингизга улгурасиз. Шунингдек, анча танилишингиз имконияти ҳам туғилади.

**ЎҚОТАР (23.11—21.12.).** - Фан соҳасида муваффақиятларга эришасиз. Бироқ, ўз омад сирларингиз ҳақида бошқаларга мақтана кўрманг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—20.01).** - Жамоа ишларида фаол иштирок этасиз. Лекин яқин инсонларингиздан бири билан жанжаллашиб қолишингиз мумкин.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Банкдан олган қарзларингиз бўйича муаммо пайдо бўлади. Сиз яхшиси ўз бизнесингизни очганингиз маъқул.

**БАЛИҚ(19.02 — 20.03).**- Хорижга боришингиз ҳақидаги муаммонгиз ҳал бўлади. Ишларингиз маъқул бўлгани боис, раҳбарларингиздан мақтов эшитасиз.

# МИСОЛИ "ТОҲИР ВА ЗУҲРО" ЭДИЛАР

...Менинг ота-онамни тўйларига қадар қўни-қўшни, маҳалла аҳли ҳеч бир кесатиқсиз, чин кўнгилдан, хайрхоҳлик билдириб "Тоҳир ва Зуҳра", деб аташган экан. Отам 1905й, онам 1908й. Тошкентда таваллуд топганлар. Отамлар эскича мадрасада ҳам, янгича мактабда ҳам бошланғич таълим олганлар Қуръони Каримни ўқишни яхши билиб олиб, айрим сураларини ёдлаб олган эдилар. Тўрт амални билиб олинглар, деб ўз саводларида бизга таълим берар эдилар. Онажоним эса саводсиз бўлганлар.

Онажоним "Алла" ни жуда яхши айтар эдилар. Овозлари ёқимли, жарангдор эди. Мурғаклик пайтимда кўп эшитганман, мириқиб тинглаганман. "Алла" айтсангиз ухлайман деган онларим эсимда... Кўп касал бўлар эдим. Бошимни босиб ўтирар эдилар. Алла айтиб ёниб турган танамга ором берар эдилар.

Мен улғайдим, онажоним кексайдилар. Бир куни у киши бетоб бўлиб қолдилар. Кўргани касалхонага бордим. Онажоним юзимни силаб бошимни бағриларига босдилар. Қўллари, сийналари бирам ёқимли эди-ки, оромбахш туйғулардан маст бўлдим. Мана ҳозирга қадар ўша тафт, ўша тароват юзларимда, ёноқларимда, қулоқларимда майин, иссиқ бўлиб ўрмалайди... Мунча иссиқ...!

Онамлар, назаримда, кўп ўзбек аёллари каби тўрт диний- фалсафий дунёқарашлар, ғоялар, тасаввурлар ичида яшар эдилар. Бизга таълим-тарбия бериш, тергаб бориш ҳам шулар асосида бўлар эди. Булар: савоб ва гуноҳ, ҳалол ва ҳаром. Онажоним назарларида: Худога хуш ёқадиган, Худо йўлига қилинадиган, Парвардигор буюрганларига риоя этиладиган, азиз-авлиёлар, отин ойилар айтганлари, ривоятларига амал қилиб қилинган иш, тутилган йўл, қисқаси, барча яхшиликлар савоб эди; Худога хуш ёқмайдиган, Аллоҳ таоло ман қилган, Парвардигор фарз айламаган, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом қоралаган барча ёмон ишлар, эгри йўллар гуноҳ эди; меҳнат билан топилган пул, нон, ош-овқат, покиза сув, емиш, ювилган юз-қўл, тоза кийим-кечак, рози-ризолик билан олинган мол-мулк ҳалол эди; ит ҳидлаган ёки теккан идиш-товоқ, қозон-капгир, овқат, ўғирлик билан топилган пул, нон, оғиз-бурун теккан сут, кечаси усти ёпиб қўйилмаган сув, бировнинг ҳаққи, бировнинг мева-чеваси, товуғи, тухуми ва бошқа бир қатор нарсалар харом эди. Ўғирлик бағоят катта гуноҳ эканлигини таъкидлар эканлар, эшитган қадимги достон воқеаларидан ҳикоя сўзлаб берар эдилар. Уларнинг, айниқса, битта тухум ўғирлаб келиб онаси уришмагач, кейинчалик от ўғирлаб қўлга тушиб чиғириққа ташланган фарзанд саргузашти мени хўп ҳайратга солар эди.

Онажонимиз бизни урмас эдилар, ёмон сўзлар билан қарғамас ҳам эдилар. "Адангга айтаман" деб пўписа қилиб қўярдилар, холос. Фарзандларини "тарс-турс қилиб урган оналарни койир эдилар. Нон увоғини ерга ташлама-увол бўлади; жониворларга озор берма-онасининг қарғишига қоласан; қалдирғоч боласига тегма қўлинг қалтироқ бўлиб қолади, дер эдилар.

Отажоним 1945 йили урушдан омон-эсон, соғ-саломат қайтиб келганларидан кейин колхозда ишладилар.

Онажоним узоқ юрак хасталигидан кейин 1975 йил 21 апрел куни у дунёга риҳлат қилдилар. Бу мусибатга бардош бера олмаган отамиз шу йили 13 ноябрда ҳалигача бизга мавҳум бўлган жигар хасталигидан вафот этдилар. "Онанг бошқача эди", деб, кўз ёш қилганлари қилган эди. Буни дам биздан яширар эдилар, дам ошкор қилиб қўяр эдилар. Тоҳир-Зуҳралик бежиз эмас эди-да...

Баъзи эрлар хотинларини ич-ичларидан ёқтириб, яхши кўриб яшайдилар-у, буни ҳеч қачон ошкор қилмайдилар. Уларнинг муҳаббатлари хотинлари вафотидан сўнг маълум бўлади. Аммо адамлар бундан мустасно эдилар. Мусибат мияда кечади, лекин жигарни тишлайди.

Одамнинг қанчалик обрў-эътиборга, таҳсинга, иззат-икромга сазовор эканлиги у вафот этганидан кейин юзаға чиқади ва бу энг тўғри баҳо бўлади. Онамиз қазо қилганларида таъзияга келганларнинг сон-саноғи йўқ эди. Отамиз вафотларида жанозага, кейин фотиҳа ўқишга келганлар ундан ҳам зиёда бўлди. Ҳали жасадлари уйда экан, маҳалла аҳли: "Фақат сизларнинг отангиз эмас, бизнинг ҳам отамиз қазо қилдилар", дея эшик қошида қўл қовуштириб таъзия изҳор қилиб турдилар...




Яна шуни айтиб ўтай, фойдадан холи бўлмас: Онажонимнинг оғизларига сув томизиб ўтирганимда Тожи аммам келиб қолдилар: "Вой, пишиб қолибди-ку", дедилар ва чалқанча ётқизиб қўйдилар. Тиллари орқага кетиб ҳиқилдоққа тиқилиб қолди. Бир сония нафаслари тўхтади. Мен: "Ҳозир нафас олаётган эдилар-ку!" деб ўкириб юбордим. Аммамлар мени уйдан чиқариб юбордилар. Мен ташқарига чиқаётганимда онажоннинг руҳлари бир нафас билан танларини ташлаб кетди. Адамлар ичкари уйга кириб юм-юм йиғлаётган эканлар-кўзим тушиб қолди. Менинг бундай дамда онажоним тепаларидан чиқиб кетишим катта хато бўлган экан... Кейин тушундим...

Ҳа, азизлар, ота-она ва бошқа яқинлар жон таслим қилаётганларида бошларида фарзандларнинг бўлиши, яқин қондошларнинг туриши жуда зарур экан. Чунки ҳаёти ниҳояланаётган одамга бу пайтда бир зум бўлса ҳамки, фарзандлари, яқинлари далда, мадад, мадор бўлар экан. Иккинчи томондан, фарзандлар ўзларига илҳақ бўлиб ётган ота ёки оналарининг шу дамдаги нигоҳларини, сиймоларини кўриб қолиши керак экан. Чунки салдан кейин илтижо билан жон бераётган, кўзларида ёш қалқиб турган бу азиз ва мўътабар инсонни бошқа ҳеч қачон қайтиб кўрмас экан. Кўрмай қолиш эса фарзандларга, яқинларга армон бўлиб қолар экан...

Адажоним оғир бўлиб қолганларида менга: "Азим, сен чиқиб кетмагин...", дедилар. Мен гап нима ҳақида кетаётганини дарҳол тушундим... ва "Хўп, ада...", дедим, томоғимга нарса тиқилди. Жон бераётган онажоним олдиларидан мени чиқариб юборишганини адажоним билган эканлар... Демакки, кўп афсус қилганлар. Мен тўғрилаб бўлмас хатоимни яна ва яна чуқурроқ англадим.

Мусулмончиликда жони узилаётган ёки узилган хотини тепасида эри, эрининг тепасида хотини турмаслиги керак. Шу боис отамлар онамлар тепасида турмаган эдилар...

Отажонимиз оғирлашиб қолганларида бошқалар қатори мен ҳам тепаларидан нари кетмадим. Энг улуғ, энг мўътабар падари бузрукворимиз бу фоний дунёдан у боқий дунёга риҳлат қилдилар. Аллоҳ у кишини ўз раҳматига олсин, омин. Уларни 1975 йил 13 ноябрда "Тешқопқоқ" мозорига-ўз хилхонамизга дафн қилдик...

Мен онажоним қазо қилганларида чексиз қайғу-аламдан, ички оғир дарддан кўксим эзилиб, ичига ботиб кетган ҳис-туйғуни яна бир бошимдан кечирдим. Менга-(ҳаммамизга) жуда оғир бўлди. Васият кунларида адажонимиз: "Сизларга қийин бўладиган бўлди... Яқинда онанг кетувди..." деганларида билиб айтган эканлар. Қаранг, ўзлари жон таслим қилаётган отамиз бизнинг ташвишимизни қилсалар-а!

Мен товуш чиқармасдан инграб йиғлар эдим... Кейин билсам, мусибат онларида унсиз, фарёдсиз ич-ичидан инграб йиғлаш йиғлашнинг энг оғир, энг аччиқ тури экан... Эзилиб кетганман...

Адажонимиз баъзан айтар эдилар: "Ота-она насиҳат қилса, сенларга ёқмайди. Бир куни келади, шундоқ муштоқ бўласанларки, э, аттанг, нега қулоқ солмаган эканмиз, дейсанлар, афсус қиласанлар. Локигин вақт ўтган бўлади»... Ота-онамиз ҳаётларида бизга ибратлар кўп эди. Масалан, адамлар онамларни "чироғим" дер эдилар: "Қўйгин чироғим", "Хўп дея қол, чироғим" ёки "Шовқин қилаверма, чироғим"... Бунда эркалаб қўйиш, юпатиш ва шу билан босиқ бўлишга ундаш маънолари бўларди.

Онамлар отамларга ўз исмлари билан эмас, балки акамиз исмлари-Турсун, деб мурожаат қилсалар, отамлар онамларнинг исмларини баланд овозда ёки бақириб-чақириб тилга олмас эдилар. Чақириш зарурияти туғилганда ярим овозда "Мубор" ёки "онаси", деб чорлар эдилар. Мен адамларнинг онамларни "Муборак!" деб бақириб чақирганларини эшитган эмасман... Бундан мақсад- қўни-қўшнилар, яқин атрофдаги кишилар диққатини тортмаслик, бу исм билан уларни қизиқтириб қўймаслик ва шу билан одамлар хаёлини бўлиб юбормаслик бўлган. Чунки эр-хотин муносабати нозик. Унда бегоналарни қизиқтирадиган "сир" кўп бўлади Эркак киши ўз аёлини, фарзандлари онасини эъзозламас экан, у оилага файз кирмайди. Отажоним шуни тушунган эдилар, чамамда...

Оила файзи—отададир, онададир,
Камоли унинг ўғилдадир, қиздадир.

**Азимжон ҚОСИМОВ**

## II. ҚИЗЛАРГА

Турмушга чиққанингиздан кейин имкони борича жанжалга йўл қўйманг. Биринчи марта жаҳли чиққанида сиз ундан паст келинг. Сизники маъқул денг. Ўроқдан ҳам тўғри денг. Агар мен ҳақман деб, бирор гапни укдирмоқчи бўлсангиз, жанжал чиқади. Ундан кўра заҳрингизни ичга ютиб, кайфияти яхши бўлган кезлар ноҳақ гапларини эслатиб, изза қилганингиз маъқулроқ.

* * *

Такрор айтаман. Имкони борича жанжалга йўл қўйманг. Агар бу ғурбатни бир бора олдини ололмай қолсангиз, бора-бора бу одатга айланади. Баҳодирингиз жанжалга хумор бўлиб, вақти-вақти билан уришмаса тура олмайдиган бўлиб қолади. Бу одатни тарки эса тамакихўрнинг чекишни ташлашидан ҳам минг чандон оғирдир.

* * *

Унинг жиддий ва қаттиқ танбеҳини жиддий қабул қилганингиз маъқул.

* * *

Меҳрингиз зўрлигини ошкора қилаверманг.

Гоҳ-гоҳ билдириладиган изҳор ва иқрорнинг қадрини билинг.Бу нарса кўп айтилса ва эшитилса, шўронинг пулидай қадрсизланиб кетиши мумкинлигини зинҳор унутманг.

# БАХТ КАЛИТИ




Оддий ҳақиқатни яна бир бор эслатиб қўймоқчиман. Суйган қалб, қўлингизга берилган улкан имкониятдир. Ундан ўзингизга, бўлғуси фарзандлар ва жамиятга бахт келтиргулик қайнар булоқ яратишингиз ҳам, барчага татигулик заҳар тайёрлашингиз ҳам мумкин.- Ҳар иккисида ҳам меҳнат маҳсулини татиб кўриш шарафи энг биринчи галда сизнинг зиммангиздадир.

* * *

Бир йигитни севиб қолсангиз унга билдириш шарт эмас. Бундай ҳолда арқонни узунроқ ташланг. Ул Алпомиш қомат йигитнинг яқин қариндошлари билан дўстлашмоқ, ўзингизнинг хушхулқингиз ила уларни мафтун этмоқ ҳам висолга етишнинг бекаму кўст усулларидан бўлса ажаб эрмас.

* * *

Ўзингизга ишонсангиз ҳам, синалган-синалмаган йигит бирлан ёлғиз қолмоқ хиёнатнинг бошланишидир.

* * *

Кўнглингиздан нелар ўтгани бир ўзингизга, бир Аллоҳга аёндур. Шайтоннинг васвасасига учраб, номақбул йўлга киргандан кейинги тавба-тазаррулар ва чексиз азоблардан кўра, ул макрдан ғолиб келмоқ, шул фурсатнинг ўзида бўғиб тинчитмоқ, эртанги саодатли кунларнинг бошланишидур.

* * *

Хонангизда чироқ ўчиб қолса қайғурманг. Озгина сабр қилсангиз кўз қоронғуликка кўникади. Қорнғуда кўра олган инсон-саодатлидур.

* * *

Хиёнат-оғудир. Унинг идиши ҳам ғоят заҳарли. Отага тутилган заҳар, фарзандлар умрига ҳам завол бўлгувси. Ана шу йўл сари юзланган дугонангизни тўхтатиб қолишингиз нафақат унинг учун балки жамият ва келажак учун ҳам бағоят фойдалидур.

**Абдураҳмон ЖЎРА**



### УЗОҚДА БЎЛСАМ-ДА, КЎНГЛИМДА БОРСАН…

*Отам ҳовлисида ўсган эй, дарахт,*
*Бир эрка оғамдай сени соғиндим.*
*Ҳушим олиб қўйган, шаҳарнинг қизи,*
*Тўрт кунлик умрда шунга сотилдим.*

*Менинг ҳам руҳимга карахтлик ҳоким,*
*Билмам бирор йўлга қачон адашдим.*
*Риёкор даврада дўстни, душманни,*
*Сезмадим, мен сенсиз, сенсиз адашдим.*

*Ҳов анов, танангда, бармоғим изи,*
*Шўхчан болаликдан белги, асотир.*
*Улғайиб қолибман, анчага аммо -*
*Мен сенсиз, неларга етардим ахир.*

*Сени ҳам енгибди, йиллар азоби,*
*Қани у навқирон қадди-қоматинг?*
*Бемаврид шамоллар гулингни тўкса,*
*Боласиз одамдек, борми роҳатинг?*

*Узоқда бўлсам-да, кўнглимда борсан,*
*Сен менинг тафт босдим, таниш сийратим.*
*Бахшида этаман, сенга, азизим -*
*Энг гўзал шеъримни, қувонч, ҳайратим.*

**Қорақалпоғистон халқ шоири Тўлебой Қобуловдан**

*Кўзим юмсам бу дунё, ноз уйқуда ётгандай,*
*Кўзим очсам, бу дунё ёқалашиб ётгандай.*

*Яқин келсам ёнига ўмганимдан тортгандай,*
*Жон беришга охирда ҳамма қочиб кетгандай.*

*Ҳаминқадар иймони, яқинлари ётлардай,*
*Азалдан бу дунёнинг кўксида дард ётгандай.*

*Кеча бори, бугун йўқ, бозорга мол сотгандай,*
*Кимлар… аммо роҳатда, чопмай семиз отлардай.*

*Кўзим юмсам, мунг дунё, жилва қилар нозлардай,*
*Кўзим очсам, бир дилбар оёқ чўзиб ётгандай.*

## ШЕЪРИЯТ ДАФТАРИДАН

*Бу дунё қиз-йигитга бир кун эшик очгандай,*
*Аммо орзу-умидлар бирда завол кўргандай.*

*Асли умр ҳаммага ечими йўқ сирлидай,*
*Мардлар борлиги учун дунё яшаб тургандай.*

### ЭШМИРЗА МУАЛЛИМНИ ЭСЛАБ…

*Ўйлардик, энг катта хона, бу - мактаб,*
*Энг кўп билувчи ҳам доно муаллим.*
*Дунёда ташвишлар унча кўп эмас,*
*Билим олиш муҳим, кераги таълим.*

*Сўнг сиғмай бошладик, партапарга ҳам,*
*Сиғмай қолдик охир, катта мактабга,*
*Йиллар шамол каби ўтиб кетди-ю,*
*Имтиҳонлар бердик тақдирга қайта.*

*Ўша болалармиз, аслида устоз,*
*Ҳали ҳам ўқиймиз, оламиз таълим.*
*Яшайсиз тирикдай, кўз ўнгимизда,*
*Тугамас ҳайратсиз, азиз муаллим!*

### ТУРСУНОЙГА

*Олис-олис манзиллардан учиб келган қалдирғоч,*
*О, беғубор қалблигинам келгин менга кўнглинг оч.*
*Учратдингми йўлингда, мен каби девонани,*
*Ўз бахтидан ўзи кечган, бир бахтсиз бегонани.*
*Узоқ йўлда толиқдингми ҳорғинми, айт, қанотинг,*
*Ё мендайин бефайзми, бефайзми ҳаётинг.*
*Мен ҳам куйдим, жоҳиллардан, сотқиндан,*
*Жигар бўлиб йўлин бурган, ярим таниш ётлардан.*
*Бугун қўлим мадорсиздай, доим ҳамроҳ таниш ғам,*
*Бемеҳрми, мени ташлаб кетган ўшал, қизча ҳам.*
*Қалдирғочим омон бўлгин, кетма мени йўқлаб тур.*
*Бевақт ўлма, дунё мисол кўҳна бўлгин, яшаб юр,*
*Ҳеч бўлмаса, ўшал қизга мендан бориб салом айт.*
*Кечиролса, агар мени совчи бўлиб яна қайт,*
*Кўп соғиндим кўролмайман, билгин менинг чорам йўқ.*
*Ярашишга ғурур қўймас ё бўлмасам, илож йўқ,*
*Дардларимни сенга тўкдим, азизгинам, ишондим,*
*Мен умрни яшамадим, бир чўғдайин ё ёндим,*
*Оллоҳ сени балолардан асрасин қалдирғочим.*
*Мени йўқлаб, излаб келган меҳрли, овунчоғим.*

**Ўлжабой ҚАРШИБОЕВ**

### ДУНЁДА СЕВГИНИНГ БОРИГА ШУКР

*Нима бўлди иккимиз ҳам лол,*
*Бошимиздан учди ҳушимиз.*
*Бугун мана ўнгидан келди,*
*Ҳар тун бизнинг кўрган тушимиз.*

*Негадир вужудим увушиб,*
*Совуқда қолгандек қалтирар.*
*Тўзғиган сочларинг елкангда,*
*Сочилган маржондек ялтирар.*

*Сўнгра кетдик, сўзсиз хайр-хўш,*
*Босолмайман сира юракни.*
*Уйга қандай кийиб кираман,*
*Лаб бўёғи теккан кўйлакни…*

* * *

*Кутаман.*
*Чекаман.*
*Биламан жоним,*
*Панада кузатиб туришингни ҳам.*
*Гоҳи бошинг эгиб маъюс, гоҳида*
*Аҳволимга сўзсиз кулишингни ҳам.*

*Сўнг тураман аста эгри ниҳолдай,*
*Тўғрилаб кўйлагим ёқаларини.*
*Юрагимда қолар билмайсан изи,*
*Ҳижрон оёғининг тақаларини.*

*Чекаман.*
*Кутаман.*
*Биламан жоним,*
*Бугун ҳам эрта ҳам кутишим бекор.*
*Биламан кўришиб қолганимизда*
*Айтишга арзирлик баҳонанг ҳам бор.*

*Кутаман, кўк кўз ёш тўкканида ҳам,*
*Фалак қор бошимга ёғдирса-да қор.*
*Аммо бил, бир кун ёнгинамда жим*
*Ёқамни тўғрилаб қўйишларинг бор.*

* * *

*Осмонлар бошимга қуламайдиму?*
*Мен сиздан ўзгани десам-а сулув.*
*Бор умри юлдузлар қарғаб ўтмасму?*
*Мен сиздан ўзгани севсам-а сулув.*

*Кетмасму аламдан юрагим ёниб,*
*Ўзимдан ўзлигим кетмасму тониб.*
*Жоним нолимасму Худога бориб,*
*Мен сиздан ўзгани севсам-а сулув.*

*Юзин бурмайдими, пойимда йўлак,*
*Бўлмайдими ишқнинг жони минг бўлак.*
*Бошимга тош отиб йиғлайди фалак,*
*Мен сиздан ўзгани севсам-а сулув.*

*Дунёда севгининг борига шукр,*
*Дўлу, ёмғир ҳатто қорига шукр,*
*Бўлиб қолмайдими сўзларим куфр,*
*Мен сиздан ўзгани севсам-а сулув.*

*Сизни менинг учун яратган эгам,*
*Сиз менинг ширин бир азобим эркам.*
*Ғамхона бўлмасму бугуну эртам,*
*Мен сиздан ўзгани севсам-а сулув.*

*Ёрилиб кетмасму битта юрагим,*
*Осмонлар бошимга қуламайдиму.*
*Эрта қабримга ҳам фаришта келиб,*
*Қилган хатойимни сўрамайдиму.*
*Мен сиздан ўзгани десам-а сулув,*
*Мен сиздан ўзгани севсам-а сулув.*

**Шоҳруҳ ЖЎРАЕВ**



## НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?

### ЖИРАФА ТЎҒРИСИДА СЎЗ



Жирафа ўтхўр ҳайвон бўлиб, Африка саванналарининг дарахтлар кўп учрайдиган ҳудудларида яшайди. Акация дарахти барглари жирафанинг севимли озуқаси бўлиб, уларни тўғридан тўғри дарахтнинг 1,5-2 метр баландликдаги шохларидан узиб ейди. Жирафанинг бўйи туёғидан бошидаги шохчасининг учигача 5,5 метргача етади. Бунда ердан белигача 3 метр бўлса, қолган 2 метрдан ортиқроқ қисмини унинг узун, йўғон ва бақувват бўйни ташкил этади.

Жирафалар 15-20 тадан бўлиб яшашади ва саваннанинг бошқа ҳайвонларидан фарқли равишда ҳудудларини чегаралаб олишмайди. Жирафаларнинг асосий душманлари шерлар ва гиеналар(чиябўрилар) ҳисобланади. Йиртқичлар ҳужум қилганда у қочиб қолишга уринади, бунинг иложи бўлмаса, туёқлари билан ҳимояланади.

### УЙ ҲАЙВОНЛАРИ ҚАЙСИЛАР?

Қадим замонлардан бери инсон турли ҳайвонларни қўлга ўргатиб, улардан турли юмушларни бажаришда фойдаланишга интилиб келади. Улар бунга эришганларидан сўнг ана шу ҳайвонларни "уй ҳайвонлари" деб атай бошлаганлар. Ма-



салан, от, туя, эшак, фил каби ҳайвонлардан замонавий транспорт воситаларининг ҳаракатланиши қийин бўлган ҳудудларда ва шароитларда юк ташишда, шунингдек, ҳаракат воситаси сифатида фойдаланилади.

Қолаверса, сигир, қўй, эчки каби уй ҳайвонларидан сут, жун, тери, гўшт олинади. Бу соҳа чорвачилик деб аталади. От эса юк ташиш ва ҳаракат воситаси бўлишдан ташқари, у чавандозлик спорти турлари ва ҳарбий ҳаракатларда ҳам ишлатилади.

Инсоннинг ҳайвонлар орасидаги энг яқин дўстларидан бири сифатида ит жуда қадрланади. Итлардан уйлар ва ташкилотларни қўриқлашда, қутқарув-қидирув ишларида, гиёҳвандлик, портловчи каби моддаларни топишда, шимолда чана тортишда кенг фойдаланилади.

### ЙЎҚОЛИБ БОРАЁТГАН ТУРЛАР

Ер куррасида шундай ҳайвон ва ўсимликлар турлари мавжудки, уларнинг бутунлай йўқ бўлиб, қирилиб кетиш хавфи бор. Уларни асраш, кўпайтириш мақсадида турли давлатлар ҳукуматлари жиддий чоралар кўришмоқда. Бундай ҳайвонларни




овлаган, ўсимликларни пайҳон этганлар қонун йўли билан жазоланади.

Кит ва дельфинлар, Испания ва Францияда тоғ эчкилари, Россияда Амур йўлбарси, Мисрда Нил тимсоҳи, Жанубий Америкада қора кайман, Марказий Африкада горилла маймуни, Австралияда кораллар йўқолиб бораётган ҳайвонлар ҳисобланади.

### ҲАЙВОНЛАР ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАР

Қадимда одамлар табиий шароитларда, ҳайвонлар билан ёнма-ён яшаганлар. Уларнинг оч қолмаслиги кўп жиҳатдан овчиликка боғлиқ бўлган. Шу боис одамлар ов қилинадиган ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатларини диққат билан кузатганлар. Ов пайтида сездирмаслик учун ана шу ҳайвонларнинг терисини ёпиниб олишган, улар каби овоз чиқаришган ва хоказо. Кечалари гулхан атрофида ўтириб ўз таассуротларини қабиладошларига ҳикоя қилиб берганлар. Шу асосда бош қаҳрамонлари инсон ва турли ҳайвонлар бўлган ҳар хил афсоналар, ривоятлар, эртаклар, мақоллар пайдо бўлган. Уларда, масалан, бўри йиртқич, қуён қўрқоқ, тулки айёр қилиб тасвирланган. Қолаверса, инсон қушларга қараб туриб, учишни орзу қилган. Қадимги юнонларнинг "Дедал ва Икар" афсонаси ана шу орзу боис пайдо бўлган.

Қадимдан инсон каптарларни тинчлик, оққушларни беғуборлик ва поклик, итни садоқат рамзи сифатида қадрлаб келган.

### ОДАМ НЕГА ОТА-ОНАСИГА ЎХШАЙДИ?

Ҳар бир инсоннинг ташқи кўриниши ва характер хусусиятлари маълум даражада ота-онасига ўхшайди. Бунинг сабаби бор, албатта. Одам эркак ва аёл уруғларининг бачадонда бирикишидан пайдо бўлади. Ана шу уруғларда эркак ва аёлнинг танаси ва характери билан боғлиқ турли наслий (генетик) маълумотлар сақланади. Натижада, болага мана шу тана тузилиши ва характернинг айрим жиҳатлари ўтади. Энг қизиғи, ота-онада учрайдиган баъзи касалликлар насл суради, яъни болага ҳам кўчиб ўтиши мумкин. Шу боис айрим одамлардан "фалончининг наслида семизликка мойиллик бор", "писмадончининг уруғаймоғида тутқаноқ касали учраб туради", деган гапларни эшитиш мумкин.



**ДАРМОН тайёрлади.**

# БАНДА БЕРГАН – МИННАТЛИ

Қишлоғимизда София биби деган табаррук бир онахон яшайди. Қайси даврада бўлмасин, уйнинг тўри уники. Қизиқарли ҳикоялари, ширин суҳбатлари билан даврага жон киргизади. Ўз ҳаётидан олиб айтадиган ҳикояларини эшитиш айниқса мароқли.

- Навжувон пайтларим эди, - дейди биби суҳбатларидан бирида. - Болалар билан ўралашиб қолиб, рўзғорга, уй-жойга қарашга тўғриси, уқувим ҳам, ҳафсалам ҳам йўқ эди. Эримнинг топганига қаноат қилиб, уззу-кун майда-чуйда ишлар билан банд бўлар эдим.

Бир куни тунда меҳмон келиб қолди. Ҳозиргина овқатни еб бўлганимиз учун олдига қўйишга таом ҳам, пиширай десам гўшт ҳам йўқ эди. Аксига олиб, ноним ҳам тугаган. Ўзимни йўқотиб, қўшниникига чопдим. Хайрият, қўшним - тоғамнинг қизи. Иккита нон, бир парча гўштни ўраб бергач, келиб овқатга уннадим. Ҳаяллаб қолганим учун эримдан гап эшитиб, анчагача уйқум келмади.



Яна бир қанча вақт ўтиб, эрим далада ишлайдиган тракторчиларни тушликка бошлаб келиб қолди. Доғланган ёғим йўқ эди, қўлимга идиш олиб, яна амманикига чопдим. Аммам бу ҳожатимни ҳам чиқарди-ю, аммо орқамдан дарвозани тарақ этиб ёпганда қулоқ чаккамга биров шапалоқ ургандек бўлди. Ҳеч ким кўриб қолмасин, деб идишни яшириб, уйга келдим. Меҳмонларни кузатгач, енгил тин олиб, ўрнимга чўзилувдим ҳамки, қизчам келиб, қайнонам чақираётганини айтди. Эринибгина олдига бордим.

- Ўтиринг, гап бор, - деди қайнонам овозига салмоқли тус бериб. - Рўзғорингизни бўлак қилиб берганим билан ўйламангки, мени тергайдиган одам йўқ, деб. Ҳар бир қадамингизни кўздан қочирмай, кузатиб юраман. Анов куни меҳмон келганда нон сўраб қўшниникига чиқдингиз. Бугун ҳам ёғ битон кўтариб чиқишдан уялмадингиз. Қўшни аммангиз бўлгани билан унинг ҳам эри бор, қайнонаси бор. Қишлоққа овоза қилмайдими "фалончининг келини тиланчилик қилиб меҳмон кутаркан, қўлидан ҳеч бир иш келмас экан", деб.

Қайнонам менинг қовоқ солиб ўтирганимни кўриб, овозини бир парда баланд кўтарди:

- Қаттиқ ботсаям, қаҳрингиз келсаям, бетингизга айтаман. Бир парча нонингизни ўзингиз ҳалоллаб ейишни ўрганинг. Гулдек юзингизни бировларга сарғайтирманг. "Худо берган ҳислатли, банда берган миннатли", деган гап бор. Буни эсингиздан чиқарманг. Гап шу - бугундан бошлаб яна менинг рўзғоримдасиз. Ўтир, десам ўтирасиз, тур, десам турасиз. Сизни рўзғорбоп келин қилишни ўзим зиммамга оламан.

Қайнонамга тобе бўлиб яшашни истамасдим. Аммо не қилайки, гуноҳим бўйнимда. Заҳар гапларигаям, дашному таъналаригаям чидадим. Унинг йўриғи билан тонг саҳарда тураман. Болалар уйғонгунча сигир соғаман, ҳовли супураман, нонимни ёпаман. Уйни хотиржам қилгач, қайнонамга эргашиб томорқага ўтаман, чопиқ, ўташ, ягана дегандай. Чошгоҳдаги мириқиб ухлашлар, қўшни хотинлар билан соатлаб гурунглашларни бирам қўмсайманки, аммо иложим йўқ.

Қайнонамнинг ақидаси бўйича: "Аёл рўзғорни қуритиб қўймаслиги керак" экан. Шунинг учун noннинг охири узилмай туриб хамирга уннайман. Гўшт, ёғ тугамай туриб "тугади"га чиқараман-да, эримни бозорга юбораман.

Бошида оғир ботсаям бора-бора меҳнатим самараси юз кўрсата бошлагач, ўз ишимдан қониқа бошладим. Меҳмон келганда аввалгидек типирчилаб қолмайман, чунки "тиланчилик" қилишга ҳожат қолмади, рўзғорим тўкин. Уйларим ораста, томорқам яшнаб турибди. Доимо қилган ишимдан норози бўлиб, чимирилиб юрадиган қайнонамнинг ҳам чеҳраси ёришиб, эркалаб-алқайдиган бўлди. Болаларим, эрим олдида ҳам юзим ёруғ. Ўтириб-ўтириб бу дунёдан ўтган қайнонамдан миннатдор бўлиб кетаман. Мени "рўзғорбоп хотин" қилган шу киши-да.

София бибининг сўзларини диққат билан эшитаётган хотин-халажнинг, айниқса ёш келинларнинг чеҳрасида мулоҳаза ифодасини кўраман. Аминманки, уларнинг ҳар бири шу лаҳзаларда ўз хато-ю камчилигини аниқ-тиниқ кўриб-билиб турибди. Биби сўзлари улар онгида бир умр муҳрланиб қолган бўлса ажаб эмас.

# ҲАР НЕ КЕЛСА ТИЛИНГДАН

"Эр-хотиннинг уриши - дока рўмол қуриши", дейишади. Қайнона-келиннинг уриши-чи, у нимага ўхшайди? Ҳар ҳолда дока рўмолнинг қуришига эмас. Балки ўхшаши ҳам мумкиндир, қачонки, қайнона ёки келин бўлмиш сал орқа-олдига қараб гапиришса, тилининг эпини қилишса, эҳтимол, жанжалга ҳожат ҳам қолмас. Муқаддас хола ва келини Ҳуснораларнинг бу галги низоси одатдаги ғиди-биди, машмашадан анчагина фарқли, баҳсталаб бўлди. Оқу кўкка бурканиб юрган, бири ўғлига, бири эрига азадор икки аёлнинг жанжалига сабаб қайнонанинг шу бир оғиз гапи бўлди:

- Намунча қовоқ-тумшуғингиз осилмаса, сал чеҳрангизни очиброқ юрсангиз бўлмайдими? Ўғлимнинг доғига куяйми, сизнинг қовоқ-тумшуғингизга?

- Чеҳрамни кимга очай, эримнинг ўлганига етти ой бўлмай туриб, ўйнаб-кулиб юр, демоқчимисиз? Агар шу ҳовлидан чиқиб кетсам, қутиламанми сиздан? - деди келин кўзлари хонасидан чиққудай бўлиб.

- Чиқ, кет, қаёққа кетсанг кет, кўрмайин ҳам, куймайин ҳам...

Келин икки боласини етаклаганча юм-юм йиғлаб, мозорга йўл олди. Эри қабри устида кўз ёш тўкиб, кўнглини бўшатди-да, тинмай хархаша қилаётган болаларининг бирини кўтариб, бирини етаклаб ортга қайтди. Қайнона шу-шу қовоғини очмади, ўтирса ҳам, турса ҳам жанжал қўзғашга баҳона қидирар, келин ҳам ундан паст келишни истамасди. Охир-оқибат қайнона масалани кўндаланг қўйди: "Ҳовлидан чиқ, вассалом! Уй менинг номимда, мен хоҳласам яшайсан, бўлмаса йўк". Марҳумнинг тупроғи совумай туриб, қайнона-келин ўртасидаги меҳр-оқибат торлари узилиб бўлди. Келин кўчада қолганини айтиб, маҳалла фуқаролар йиғинига арз қилиб борди. Лекин маҳалла вакилининг аралашуви самарасиз кетди. Туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан тузилган гуруҳ масалага ойдинлик киритишга тушди. Гуруҳ аъзолари ҳовлига кириб боришганда, уларни қайнона-келин ва келиннинг онаси кутиб олди. "Нима гап?" деган савол ўртага ташланар-ташланмас, қайнона-келин гўё "портлаб" кетишди. Қайнона келиннинг айбларини айтиб адо қилолмас, келин қайнонасининг ҳар бир айбловига қарши ўзининг ҳимоя "ўқ"ларини ишга солишдан чарчамасди. Бу орада ўртага келиннинг онаси ҳам қўшилди-ю, масала баттар чигаллашди. Ҳуснора шу хонадонга келгандан кейинги давр "тарихи саҳифалари" бир-бир варақлана бошлади. Яхши куннинг ҳам, ёмон куннинг ҳам устига бир-бир чизиқ тортила бошланди. Орага милиция участка нозири қўшилишга мажбур бўлиб, уларни муросага чақиргач, даҳанаки жанг сал пасайгандай бўлди. Лекин қайнона ҳамон: "Келин ҳовлидан чиқиб кетсин", деган шартни илгари сурарди.

Юқоридаги манзарани бир четда ўтириб кузатар эканман, бир нарсага амин эдим: асли жанжал қилишга аниқ бир сабаб йўқ. Шу топда уларга эмас, бу дунёда армон ила кўзи очиқ кетган марҳум йигитга ичим ачиди. Эҳтимол йигитнинг шу атрофда кезиб юрган сарсон руҳи онанинг аччиқ устида келинига: "Ҳовлидан чиқиб кет", деган силтовларидан бир сесканиб тушгандир. Келиннинг кўзи хонасидан чиққудек бўлиб, қайнонага ўдағайлашларидан, аёл қуданинг қизи ёнини олиб, қарши томонга заҳар-заққум сўзлар найзаси санчишидан азоблангандир?

Эҳ, тил қурсин-а, тил қурсин! Бўҳтону маломатга қоришиқ сўзлар зарбидан ақл қаёққа беркинди экан, ирода, бардош ёлғонга айланиб, йигит руҳи ила самоларга учиб кетдими? Тушунолмадим, ўзлари-ку айрилиқ азобидан куйиб, адо бўлишибди. Жудолик алангасидан соғ-омон чиқиш учун бир-бирларига мадад қўлини чўзиб, елкадош бўлиш ўрнига оёқдан чалиб, гулхан ўртасига итаришлари нимаси?

Халқимизнинг: "Яхши гап билан илон инидан чиқади, ёмон гап билан қилич қинидан чиқади", деган мақоли нақадар ҳаққонийлигига яна бир карра амин бўлдим.

**Зуҳра ҚУРБОНОВА,**
**Бухоро шаҳри.**

## ҚИССАДАН ҲИССА

# БИРОВНИНГ БАХТИНИ БОҒЛАМАНГ

- Эшитдингизми, Нигорахоннинг унашилган қизининг фотиҳаси қайтибди. Қудалар айниб қолишганмиш.

- Вой, ўлай! Нигорахонлар бамаъни оила эди-ку! Ё қизида бир гап бормикан?

- Ким билади дейсиз? Бир балоси бордир-да...

Бу каби гап-сўзларни тез-тез эшитиб қоламиз. Кўнглимиздан: "Вой, бечора!"-деган ачиниш ўтади-ю, кейин дарҳол унутамиз. Ўша "бечора"га дуч келиб қолсак: "Пешона-да, насиб этмаган", деб овутамиз. Аммо бир инсоннинг, айниқса у қиз бола бўлса, бахтини боғлаганлар ҳам аслида орамиздаги баъзи кимсалар эканини кўпинча суриштирмаймиз.

Бир танишим айтиб берган воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Қўшни оиланинг чиройли, ақлли, ўқимишли қизига қаторлашиб совчи келаркан-у, энди фотиҳа қиламиз деганда, айниб кетишар экан. Суриштириб билишса, бошқа бир қўшни аёл келган совчиларга қатор ёлғон-яшиқни айтиб совутиб қўяр экан. У қизни "енгилтак", онани "шаллақи" деган "мақтовлар" билар таърифлаб, камига "Қўшнидан яхши биладиган бўлмайди, айланай. Яна ўзингиз биласиз", деркан. Ўзининг икки қизи бахти очилмай, эрдан қайтган бу аёлнинг бўй қизларга нисбатан нафрати шунчалик эканлигини эшитиб ёқа ушлайсан, киши. Бизда бўлажак қудаларни маҳаллакўйдан суриштиришдек қадимий удум бор. Бу чиройли удумимиздан эса баъзи-бир ҳасадгўй, ичи қора инсонлар ўз мақсадлари йўлида фойдаланишмоқда. Аслида бирор йигит ёки қизни суриштириб сўнгра фотиҳа қилиниши халқимизнинг доно фазилатидир. Илгари агар жиддий айби (бедаво касал, илгари турмуш қурган ёки ахлоқи бузуқ) бўлмаса суриштириб келган совчиларга бўлажак келин ё куёв ҳақида ёмон гап айтилмаган, андиша кучли бўлган.

Бир бечоранинг бахтига тўғаноқ бўлмай. Ўзимнинг ҳам олдимда қизим бор, ўғлим бор, деган мулоҳазага борилган. Ҳозир-чи?

Ҳозир ҳатто яқин қўшнилар орасидаги ҳасад, кўролмаслик туфайли қанча қизлар бахти очилмай аросатда. Тўғри, баъзилар бундай гап-сўзларга эътибор беришмайди. Лекин ҳаётда нималар бўлмайди. Бир кун келиб кичкинагина шубҳа ҳам катта жанжалга айланиб кетиши мумкин. Бизда "фотиҳаси бузилган" дегани гўё тавқи лаънатдай эшитилади. Бундайларнинг кейин ҳам бахти кулиши қийин, худди турмуш қургандай муомалада бўлишади, шубҳа билан қарашади. Илоҳим, ҳеч бир бўй етган қиз ё йигитнинг бахти боғланмасин ва бунга айнан сиз сабабчи бўлиб қолманг.

**Камола МИРАЛИ қизи**

# СЕВИШ — СЕВИЛИШ — БАХТ...

18 ёшда эдим, бир дугонамнинг тўйи бўлди. Ҳамма синфдошлар йиғилгандик. Тўйда куёв томондан келган бир йигит мени қаттиқ кузатаётганини сезиб қолдим. У келишган, чиройли эди. Мен ҳам ўзим билмаган ҳолда унга кўзим тушди дегунча, хаёлимни йўқотиб, каловланиб қолардим. Тўй ҳам тугади. Хаёлим ўша йигитда, уйга келдим. Яқин дугонам орқали унинг исми Рустам эканлигини билиб олдим.

Бир куни дугонам қўнғироқ қилиб Рустам мени сўраётганини, танишмоқчи эканлигини айтди. Мен уни танимаслигимни айтиб, Рустамнинг таклифини рад этдим. Бир куни ўқишдан қайтаётсам кимдир: “Зулайҳо”,- деб чақирди. Ўгирилиб қарасам, таниш чеҳра- Рустам. Бир-бировимизга тикилиб қолдик. “Зулайҳо, сизни кўрганимдан бери ўзимга келолмаяпман, ишонинг”,- деди Рустам. “Рустам, илтимос мени ёнимдан кетинг. Бирор танишим кўрса, гап қилиб юради”,- дедим. “Майли кетаман. Фақат менга телефонингизни берасиз”,- деди. Ундан тезроқ қутулиш учун бошқа бир номерни, ҳаёлимга келган рақамларни айтдим. У хурсанд бўлиб кетди. Эртаси куни у яна орқамдан келиб ёлғон гапирганимни юзимга солди. Мен индамай кетиб қолдим. Бу ҳол деярли бир ҳафта давом этди. Бир куни телефон жиринглади. Гўшакни кўтарсам, таниш овоз- Рустам. Шу-шу у билан телефонда гаплашадиган бўлдик. Рустам самимий, очиққўнгил йигит эди. Ҳар куни у мен ўқийдиган институтга келар, дарсларим тугагач уйгача кузатиб қўяр эди. Орадан бир йил ўтди. Ўтган вақт давомида биз бир-бировимизни синаб, характеримизни билиб олган эдик.

Кўп ўтмай севгимиздан дадам хабар топиб, у билан учрашишни қатъиян ман қилиб қўйди. Онам ҳам: “Қизим, қўй ўша йигит билан гаплашма. Даданг сени “унга бермаймиз”,- деяптилар”,- деди. Мен бунга жавобан индамасамда, ич-ичимдан эзилар эдим. Оилаларимиздаги фарқ катта эди. Дадам катта лавозимда ишлайди. Кўп ўртоқлари: “Қизингизни келин қиламан”,- деб юрганини онам кўп гапирарди. Мен дадамнинг ёлғиз эрка қизи эдим. Аммо мени мол-дунё қизиқтирмасди.

Афсус, севгимизга қаршилик кўп бўлди. Лекин Рустам билан гаплашиб юравердик. У мендан: “Зулайҳо, мен сизсиз яшолмайман. Сиз эса менга ҳеч нарса демайсиз”,- деб қоларди. Кўзларимдан, сўзларимдан севишимни сезса-да, юрагида қандайдир ҳадик бор эди. Унинг саволларини жавобсиз қолдирар эдим. Бизларга баъзилар ҳавас қилса, баъзилар ошкора ҳасад қилар эди. Мен эса уларга қараб ҳайрон қолар эдим. Севишиш гуноҳми? Акам ҳам севишиб уйланган бўлишига қарамай бизга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Рустам ўқир, ишлар, ўзига яраша обрўйи ҳам бор эди. Дадамнинг қаршилигига қарамай биз барибир учрашиб юравердик. Охири дадам менга ишонмай, ҳатто ўқишдан ўзи олиб келадиган бўлди. Энди бир томонда дадам, бир томонда севгилим кутиб турадиган бўлди. Мен икки ўт орасида қолиб, ноилож дадам томонга бурилиб кетар эдим. Хаёлим Рустамда, унинг машинани ортидан узоқ кузатиб туриб қолганини сезиб, кўзларимдан ёшлар қуюлар эди. Дадамни жуда яхши кўраман, Рустамни ҳам. Нима қилишимни билмас эдим. Ҳар куни йиғлаб Худодан мадад сўрардим.



Кунлар кетидан кунлар ўтди. Рустам негадир телефон қилмай қўйди. Охири унга ўзим қўнғироқ қилдим, “ўзимизники” булиб қолган боғда учрашишга келишдик. Борсам Рустам кутиб турган экан. Лекин унинг юзлари кўкарган, бошлари бинт билан боғланган, ранги бир аҳволда эди. “Нима бўлди”,- биринчи сўзим шу бўлди. У бўлса: “Йиқилдим”,-деди. Ишонмадим. Охири: “Акангиз ўртоқлари билан мени дўппослашди. Улар тўрт киши эди, мен эплолмадим”,- деди у. “Нега, нега ахир”,- дердим фақат. У мени юпатиб: “Нега йиғлайсиз, мен соппа-соғманку. Майли, мени урсинлар, ўлдирсинлар, лекин мен сизсиз яшолмайман”,- деб йиғлаб юборди. Мен ўзимни баттар хўрлангандай ҳис қилдим. Бутун оламга дод солгим келди. У билан хайрлашдиму, уйга қандай етиб келганимни билмай қолдим. Ичим тўла алам эди. Тўғри, акам олдига бордиму: “Нега ундай қилдингиз?”,- дедим. Акам бўлса: “У бизни тенгимиз эмас, кўрпасига қараб оёғини узатсин”,- деди. “Ака, уни ҳақорат қилманг, айби мени севганими? Сиз ўртоқларингиз билан тўрт киши бир бўлиб, битта болага кучингиз етган. Лекин у мард йигит-сизларни милицияга тутиб бермаган”,- дедим ўзимни тутолмай. Акам гапларимни эшитиб, икки шапалоқ урди. Менга ҳеч ҳам таъсир қилгани йўқ, индамай уйга кириб кетдим. Овқат ҳам емадим, хонамдан ҳам чиқмадим. Тонггача йиғлаб чиқдим. Эрталаб онам хонамга кириб аҳволимни кўрди, “Мен даданг билан гаплашиб кўраман”,- деб ваъда берди.

Рустам билан ҳар биримиз тунни уйқусиз ўтказишни, худодан бахтимизни астойдил илтижо қилиб сўрашни келишиб олган эдик. Ҳамма уйқудалигида ҳовлига чиқдим. Ҳаво салқин эди. Мен юпқа кийинган эдим, шунга қарамай ерга тиззам билан чўккаладим. Беихтиёр кўкка қараб нола қилдим: “Оҳ! Худойим, жонимни олсанг олгину лекин севгилимдан айирмагин...” Шу ўтиришда қанча ўтирдим билмайман. Салқин ҳаво этимни жунжиктирар, мен эса қалтираб нола қилардим: “Тангрим, мен дадамни жуда яхши кўраман, унинг қалбига раҳм-шафқат уруғини қада, бахтимизга қаршилик қилмасинлар...” Кўзларимдан ёшлар дарё бўлиб қуйилар эди. Бир маҳал орқада қандайдир шарпани сезиб, ўрнимдан туриб кетдим. “Ким”,- десам, индамайди. Бориб айвоннинг чироғини ёқдим. Не кўз билан кўрайки, дадам кўзларида ёш, йиғлаб ўтирибди. Дадамнинг йиғлаганларини биринчи бор кўришим эди. Баттар эзилдим. Улар бўлса мени бағриларига босиб: “Мени кечир қизим, мен фақат обрўйимни ўйлабман. Сенинг келажагинг билан қизиқмабман. Бугун ишхонамга Рустам келди. “Мен Зулайҳони чин юракдан севаман, севгимизни уволига қолманг, усиз яшолмайман”,- деди. У сени шундай севади деб ўйламаган эдим. Булар бари ўткинчи ҳавас деб юрувдим. Кун бўйи ўша йигитнинг ёлворишлари сира кўз олдимдан кетмади. Мана энди юрак-бағрим эзилиб ухлолмай ҳовлига чиқсам, сен бу ёқда йиғлаб ўтирибсан. Майли, не ҳам дердим- бахтларингни берсин”,- деди. Мен йиғлаб дадамнинг кўксига бош қўйдим. Дадам ҳам йиғладилар. Елкамдан тоғ ағдарилгандай ҳис қилардим ўзимни.

Тонг отди. Нонушта қилгач, Рустамга қўнғироқ қилдим. У билан учрашадиган бўлдик. У туғилган кунимда битта чиройли кўйлак совға қилган: “Кўйлакни севгимиз тантана қилган кун учрашувга кийиб чиқасиз”,- деган эди. Ота-онам менга оқ фотиҳа бердилар. Келишган жойга борганимда Рустам қўлида бир даста гул билан кутиб ўтирарди. Эгнимдаги кўйлакни кўриб: “Зулайҳо, ростданми?”,- дея олди зўрға. Мен овозимни борича: “Рустам ака, бизнинг севгимиз ғалаба қилди”,- дея бақириб юборганимни билмай қолдим. Ўша кундан бошлаб дунёда биздан бахтли одам йўқ. Орзуимиз амалга ошди-кўп ўтмай тўйимиз бўлди.

Ҳозирги кунда Худога шукр, ширингина фарзандимиз бор-исми Фарида. Севги бизга ҳаётда қандай яшашни ўргатди. Бу ёзганларим билан нима демоқчиман? Ҳозирги вақтда кўпчилик ёшлар севгининг қадрига етишмайди. Агар, чиндан севсангиз, севгингиз учун курашинг. Ота-онангиз қарши бўлишса, ишончим комилки, бир кун келиб сизларни тушунишади. Мен бахтлиман-чунки севгилим ёнимда, бир-биримизни еру кўкка ишонмаймиз. Ана шундай оташин муҳаббат барчага насиб этишини тилайман.

**ЗУЛАЙҲО, Чуст тумани.**

**О, муҳаббат**

# ЁШЛИКНИ ЭСЛАТИБ...

Муҳаббат ўзи битта, лекин уни қабул қилиб қалбга жо қилмоқ минг хил бўларкан. Буларнинг энг азоблиси пинҳона севиш экан. Ёшлигимда ўзимдан 2 ёш кичик Нодира исмли қизни севиб қолганман. У шунчалик гўзал эдики, ошиқ йигитларининг саноғи йўқ эди. Мен ҳам ўша ошиқлар қаторида эдим. Лекин мен унга очиқ “севаман” деб айтолмасдим. У пайтда муҳаббат гўёки мени сеҳрлаб асир қилгандай эди. Ўзимни ўзим: “Йигит бўлмай ҳар не бўлгин, нима, шунчалар қийинми: “Сизни севаман, сиз-чи, севасизми”,- деб сўрамоқ дея койирдим. Лекин барибир кўнглимни изҳор қилишга журъатим етишмасди. Биз гоҳида тўйларда кўришардик, холос. Бир-биримизни кўрганда фақат кўзларимиз сўзлашар эди. Шу тариқа 9 йил севиб, куйиб юрдим. Мен уни севишимни на дўстимга айтдим, на бошқага. Аксинча, Нодира исмини эшитсам, вужудимга енгил титроқ кирарди. Юзларим қизариб кетарди. Гўёки: “Сен севдинг, энг оғир гуноҳ иш қилдинг”,- деб кимдир мени жазога тортадигандек эди. Лекин уни севганимдан бахтиёр эдим. 2003 йил баҳор пайти армия сафига чақирилди. Армияга кетсам уни икки йил кўрмайман, кейин нима қиламан, деб бошим қотган эди. Ҳеч бўлмаса севишимни айтиб қўяй деб ўйладим. Ва унинг қишлоғида тўй бўлишини кутдим. Кутганимдек, тўй ҳам бўлди. Нодирани кўрдим. Бизнинг кўзлар яна севгидан сўзлашарди. Тўй ўртасида Нодира синглиси билан уйга қайтаётганини кўрдим. Ортидан: “Энди севишимни айтаман, айтмасам иложи йўқ”,- деб тўйхонадан чиқдим. Бизнинг орамиз 15-20 метр. У синглиси билан олдинда кетарди. Шунда тўсатдан унинг қишлоғида яшовчи Анвар исмли йигит мени гапга тутиб қолди. У тўсатдан: “Нодирани севаркансан”,- деди. Мен довдираб қолдим. Ошиқлар қаторида Анвар ҳам бор эди-да. “Йўқ”,- дедим-у, Нодиранинг ортидан чопдим. Нодира орқасига қараб-қараб гўё мендан бир оғиз сўз кутаётгандек уйига кириб кетди. Шу тариқа охирги имконни ҳам қўлдан бой бердим. Армияга минг бир хаёл билан кетдим. Шу хаёллар билан бир йилни ўтказдим. Мен ўзимдаги соғинчга малҳам излай бошладим. Ва ниҳоят 8-март- хотин-қизлар байрами билан уни табриклаб биринчи марта севги мактубимни йўлладим. Мактубимда юрагимда неки бўлса, ҳаммасини ёздим. Мактубимга жавоб олмадим. Мен хатни тўғри уйига ёзгандим. Шундай қилиб, ундан жавоб кута-кута, охири умидимни уздим. Хизматдан сўнг ота-онам бағрига қайтдим. Нодира мактабни тугатиб Ғузор шаҳрига ўқишга борибди. Энди унга севгим ҳақида ёзиб бекор қилибман деган хаёлда ўз-ўзимдан хижолат чекардим. Шу сабаб унга кўринмасликка ҳаракат қилдим. Назаримда у севгимни рад этиб, энди устимдан кулаётгандек эди. Бир куни унинг қишлоғида бўлган тўйга уч ўртоғим билан бордим. Тўйга Нодира ҳам уч дугонаси билан борган, 3-4 метр наридан мени кузатиб турган экан. 2 йилдан сўнг яна бир-бирига беминнат ва беғараз кўзлар сўзлашмоқда эди. Нодиранинг чеҳраси жуда маъюс кўринди. “Ўша менга мактуб ёзган йигит сизмидингиз, мени кечиринг, сизга жавоб ёзолмадим”,- деяётгандек эди. Шундан сўнг биз қайтиб учрашмадик. Шу тариқа у Ғузор шаҳрига турмушга чиқиб кетди. Мен эса пинҳона севгим билан унга бахтлар тилаб қолавердим. Ҳозир у бахтли, фарзандлари бор. Мен ҳам бахтлиман, 3 та фарзандим бор. Ўтган севгимиз ўтиб кетди. Лекин у бизнинг қалбимизни ҳеч ҳам тарк этмайди. Ёшликни эслатиб, ширин илҳом бахш этиб тураверади.

**НАЗАРБЕК**
**Қашқадарё вилояти,**
**Косон тумани.**




## АСОРАТСИЗ ДАВОЛАДИМ



Кўп йиллардан буён фарингитдан азият чекдим. Чунки томоғимдаги бодомчасимон безларим олиб ташланганди. Бунинг устига дориларни ича олмасдим. Бир танишим менга халқона табобат усулида тайёрланган воситалардан истеъмол қилишни яъни, ялпизли чойдан ичишни маслаҳат берди. Бунинг учун 1 чой қошиқ ялпизни термосга дамлаб қуйиб, бир чой қошиқдан аста-секин хўплаб ичдим. Мабодо фарингит энди бошланаётган бўлса оғизга қота бошлаган асалдан бир бўлак ташлаб, 10-15 дақиқа ушлаб турилади. Кейин ялпиз чойдан ичсангиз фойдасини тез сезасиз.

Мен фарингит билан оғриган пайтимда микроблар томоғимдан пастга тушмаслиги учун маврак (шалфей) ва сутни аралаштириб ичаман. 1 чой қошиқ мавракни 1 стакан сутга қўшиб қайнатилади-да, кейин ичилади. Бундай сутли аралашмани кунига 2-3 маҳал илиқ ҳолда ичинг. Шунда фарингитдан тез форид бўласиз.

**С. Умарова,**
**Чирчиқ шаҳри.**

## БОЛАНГИЗНИНГ ҚУЛОҒИ ОҒРИСА...

Беш ёшли ўғлим тез-тез қулоғини ушлаб чинқира бошларди. Бир куни кутилмаганда яна қулоғини ушлаб йиғлашга тушди. Нима қилишимни билмай қўшнимиз Рўзи холаникига чиқдим. У илгари ҳамшира бўлиб ишлаганди.

Шунда у бор спиртини олиб илитди-да, пахтага ботириб ўғлимнинг қулоғига тиқиб қўйди. Кейин бор спиртидан бир неча томчисини ўғлимнинг қулоғига ҳам томизиб қўйди. Ўғлим эса шундан сўнг бирпасда тинчиб ухлаб қолди.

Шу-шу бу муолажани ўзим бажарадиган бўлдим. Ёш боласи бор мухлислар учун ушбу муолажа асқотиб қолиши мумкин.

**В. Аҳмедова.**
**Самарқанд шаҳри.**

## ШАМОЛЛАШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ!

Касални даволашдан кўра унинг олдини олган маъқул. Онам биз ёшлигимизда касал бўлмаслигимиз учун қуйидаги усуллардан фойдаланар эди. Бу оддий усулларни ўзим ҳам ҳалигача қўллаб келаман.

✔ Қиш-қировли кунлар бошланиши билан ҳар куни 1 маҳал, 0,5 стакандан қирғичдан чиқарилган картошка шарбатини ичинг. Бу муолажани феврал ойигача қилишингиз мумкин. Чунки вақт ўтиши билан картошкада заҳарли соланин моддаси тўпланади.

✔ Сурункали тонзилитни эса сабзи ва асалдан тайёрланган шарбат билан даволанг. Бунинг учун 2 чой қошиқ қирғичдан чиқарилган сабзига 1 чой қошиқ асал қўшинг. Уни оғизда 5-7 дақиқа ушлаб туринг. Бу муолажани 10 кун бажаринг.

✔ Яна бир табиий муолажа усули эса мана бундай. Бир неча бўлак саримсоқпиёз бўлагини эзиб устига 1 ош қошиқ ўсимлик ёғи қўшинг. Уни сузиб олиб 1 томчидан бурнингизга томизиб юринг. Бу муолажа бурундаги микробларни йўқотади ва шамоллашни олдини олади.

**К. Рафиқова,**
**Сирдарё вилояти**

## ГАЙМОРИТГА ДАВО



Вақти-вақти билан бурним битиб, аксирадиган бўлиб қолдим. Шифокорлар эса менга "аллергия синусит",-дея ташхис қўйишди. Шифокорларнинг ҳамма муолажасини олдим. Аммо, бу менга унча ёрдам бермади. Кейин дугонамнинг тавсиясига кўра қуйидаги оддий усулни қўллаб кўрдим. Пиёз бўтқасини тайёрлаб, кейин уни сузиб олиб, бир ош қошиғига 0,5 қошиқ асал аралаштириб, бурнимга ҳар куни томиза бошладим.

Шу билан бир вақтда бурним устига илиқ туз қўйиб, 20 дақиқадан сўнг тухумни олиб, енгил ҳаракатлар билан 5-7 дақиқа укаладим. Ушбу муолажани бир ой бажарганимдан кейин ўзимни яхши ҳис эта бошладим.

**Ш. Бахтиёрова,**
**Навоий вилояти**

## КУНГАБОҚАР ИЛДИЗИ БИЛАН

Инсон танасига йиллар давомида турли хилтлар йиғилиб, саломатлигимиз ёмонлашишига сабаб бўлади. Мен ҳам тез-тез касал бўлиб, ўзимни ёмон ҳис этардим. Қўшнимиз 62 ёшли Насиба буви менга ўзи фойдаланадиган табиий муолажа усулини қўллаб кўришни маслаҳат берди.

Бу жуда оддий муолажа экан. Танани турли хилтлардан тозалаш учун сап-сариқ бўлиб гуллаб ётган кунгабоқар илдизи ковлаб олиниб, яхшилаб ювилади. 2 литрли банка майдаланган кунгабоқар илдизи билан тўлдирилади. Сўнг устига қайноқ сув қуйилиб дамлама тайёрланади. Бу дамламадан кунига 1 стакандан уч маҳал ичилса, танани тозалайди. Шунингдек, бу дамлама бўғинлардаги касалликларни ҳам даволайди.

**Ю. Рустамова,**
**Сурхондарё вилояти**

## КАМҚОН БЎЛСАНГИЗ...

Шифокорлар менга камқонлик ташхисини қўйишгач, аввалига турли дори-дармонлар ичдим. Булар қонни вақтинча кўтарар экан. Онам эса мени ўзи билган мана бу усул билан даволашга киришди. Бунинг учун сабзи, қизил лавлаги ва қора турпни қирғичдан чиқариб шарбатини сиқиб олди.

Кейин банкага солиб бир неча кун музлаткичда сақлади. Бу аралашмани кунига уч маҳал, 1 ош қошиқдан истеъмол қилдим. Шу билан бир вақтда, жигар ва меваларидан тайёрланган салатлардан ҳам истеъмол қилдим. Борабора кучимга-куч қўшилиб, ўзимни тетик ҳис қила бошладим.

Уч ой шу муолажани қилганимдан кейин анализ топширсам, гемоглобиним ўз меъёрига келибди. Бу муолажа мухлисларимиздан бирортасига асқотиб қолар.

**П . Раҳимов,**
**Қашқадарё вилояти**

## ОДДИЙ УСУЛЛАР БИЛАН

Бош бармоғимнинг тирноғи бир неча йиллардан буён қорайиб оғриб юрарди. Операция қилиб, олдириб ташлашга эса юрагим бетламас эди. Бир куни газетада ўзимга ва акамга асқотадиган иккита табиий усуллар ҳақида ўқиб қолдим. Газетада ёзилганидек, глицерин, йод ва сиркани аралаштириб, тирноғимга бир неча кун боғлаб юрдим. Тирноғим юмшаб, бир неча ҳафтадан кейин тушиб, ўрнига янгиси чиқа бошлади.

Иккинчи усул эса буйрак тошини тушириш ҳақида экан. Акамнинг ёши 60 да бўлиб, у буйрак оғриғидан қийналарди. Операцияга ётиш учун ҳаракат қилаётган пайтда акамга аралашма тайёрладим. Бу шундай тайёрланади.

100 грамм майдаланган қора андиз илдизи (корни девясила), 500 грамм асал, 500 граммароқ қўшилади. Бу аралашма қуйидагича ичилади. Биринчи кун - 1стакан, иккинчи кун - 2 стакан, учинчи кун эса - 3 стакандан ичилади. Уч кундан сўнг аксинча, аввал 3, 2, 1 стакандан ичилади. Аралашма тугагач, бир ой дам олиб, яна қайтарилади. Ушбу усуллар шу касаллардан қийналаётганларга ёрдам бериши мумкин.

**Ф. Асилова,**
**Фарғона вилояти.**

## ЯРАНИ ТУЗАТАДИ

Қўлимга тез-тез қўз яра чиқадиган бўлди. Бир марта жарроҳ ярани кесиб, даволади. Лекин кўп ўтмай ўша жойдан яна бошқаси пайдо бўлди. Қўлимни ўраб, дўконга чиққандим бир қўшнимиз кўриб, ҳол сўради. Унга яра ҳақида айтгандим:

- 1 чой қошиқдан асал, ун ва қаймоқни аралаштиринг-да,



докага сингдириб ярангиз устига қўйинг. Устидан эса сувқоғоз қўйиб, боғлаб олинг. 5-6 соатдан кейин боғламани алмаштиринг. Бу муолажани кун бўйи 4-5 марта бажарсангиз, ярангиз тез тузалади, - деди.

Ушбу муолажани бажарганимдан сўнг икки кундаёқ яра юмшаб, йиринглари чиқиб кетди.

**Ж. Парпиева,**
**Андижон шаҳри.**

## АЁЛЛАРГА МАСЛАҲАТ

Мен бувимдан табиий усуллар билан даволаш муолажаларини ўрганиб олганман. Кўпчиликка тавсия этадиган қин шамоллашини (эрозия) даволаш усулларини биламан.

✔ Қин шамоллаганда 12 кун давомида ҳар куни кечқурун чаканда (облипиха) ёғини пахтага ботириб қин оғзига қўйилади.

✔ Қичитқи ўт (крапива) гиёҳи баргларидан тайёрланган шарбатига пахта ботириб олиб 10 кун давомида муолажа қилинади.

✔ 2 стакан эрмон (полынь) гиёҳи устига 1 стакан қайноқ сув қуйиб буғда 30 дақиқа тутиб турилади. Совугач хуқна (спринцевание) қилинади.

Уй ва оиласи билан бўлиб, шифокор ҳузурига боришга вақт ажрата олмаган аёллар қин шамоллашини уйда шу усуллар билан даволашса ҳам бўлади.

**Ш. Ўрмонова, Бекобод шаҳри**

## ОЁҚЛАРИНГИЗ ТОЛИҚҚАН БЎЛСА...

Кун бўйи дўконда тик оёқда туриб ишлайман. Кечқурун эса оёқларим симиллаб оғрий бошлайди. Ўтириб олсам ҳадеганда тургим келмайди. Бир куни дўконга келган кампирга ҳадеганда айтган нарсасини олиб беролмадим. Кампир эса оёқларимни ушлаб ўзи билган бир муолажани айтди.

Кечқурун уйга келганимда 5-6 та йирик пиёзни олиб майдалаб тўғрадим-да, тоғорага солдим. 20 дақиқа давомида оёқларим пиёзни топтаб, эзилади. Сўнг ўсимлик ёғи билан салгина уқаладим. Буни қарангки, оёқларимдаги оғриқ йўқолди. Шундан сўнг мен ҳар куни пиёз билан бажариладиган шу оддий муолажани бажарадиган бўлдим.

**Д. Латипова,**
**Сурхондарё вилояти.**

## ЗАҲАРЛАНГАН БЎЛСАНГИЗ...

Яхши ювилмаган ёки бузилган мевалардан еб ошқозонингиз бузилган бўлса, дарров дори-дармон ичишга шошилманг! Мен мана шундай ҳолатларда шифокорга ҳам бормайман. 1 стакан қуюқ чойга 2 чой қошиқ картошка крахмалини қўшиб ичиб юбораман. Бу аралашма ичаклар фаолиятини яхшилаб, заҳарланишни тезда даволайди.

**У. Йўлдошева,**
**Марғилон шаҳри**

**ДИЛБАР ва ҲАМИДА тайёрлашди.**

Тери куйганда қовун бўлаги босилса тез тузатади.



# КУЗ НЕЪМАТЛАРИ ДАВОЛАЙДИ...

**Куз боғ ва полиз маҳсулотлари пишиб етиладиган энг тўкин фаслдир. Бу ширин-шарбат мевалар танани соғломлаштириб, гўзаллик ва ёшлик бахш этади.**



## ШИФОБАХШ БЕҲИ

Беҳи кузги мевалар орасидаги энг лаззатли ва шифобахшидир. Айниқса олтиндек сарғайиб пишган беҳидан тайёрланган мураббо ширин, ҳам ниҳоятда фойдалидир. Беҳи меваси ширин ва тотли бўлишидан ташқари, у турли хасталикларни даволашда бетакрор восита ҳисобланади.

**Ич кетганда (диарея)**

Беҳининг 1-2 дона мевасини олиб, устига, 0,5 литр қайноқ сув қуйилади. Паст оловда 10 дақиқа давомида қайнатгач, сўнг яна ярим соат дамлаб қўясиз. Ушбу беҳили дамламани кунига ярим стакандан, овқатдан олдин 4-5 маҳал истеъмол қилинади. Бу дамлама юрак-томир тизими шишганда ёрдам беради. Бироқ, беҳи ва унинг дамламасини доимий равишда истеъмол қилиш қабзиятга олиб келиши мумкин.



**Шамоллашни даволайди.**

Йўтал аралаш давом этган шамоллаш ва фарингит касаллигини даволашда беҳи мураббоси катта ёрдам беради. **Мураббо тайёрлаш учун** 1 кило беҳи яхшилаб ювилиб, устига 1 литр сув қуйилади. Ярим соат қайнатиб олгач, устига 1 кило шакар солинг. Кейин паст оловда беҳининг ранги тўқ-қизил рангга киргунча қайнатинг. Беҳи мураббоси танадан оғир металлар тузини чиқаришга ёрдам беради.

Қийин битадиган яралар ва ёрилган бавосил тугунларини тузатиш учун пахтадан тайёрланган матони беҳи шарбатига ботириб қўйилади.

➔ Агар тери куйиб қолса, беҳи уруғи дамламасидан компресс қилинг.

➔ Бунинг учун **2 ош қошиқ беҳи уруғи устига 1 литр совуқ сув** қуйилади. 1 соат тургач, куйган жойга компресс қилинади. Ушбу дамлама ичаклар фаолиятини ҳам яхшилайди. Бу дамламани кунига 3-4 маҳал, 1/2 стакандан овқатдан олдин ичилади. Шунингдек, беҳи уруғини илиқ сувга ивитиб қўйиб кейин томоқни чайиш ҳам мумкин. Бироқ, беҳи уруғидан дамлама тайёрлаётиб, унинг уруғини эза кўрманг, чунки унинг мағизи таркибида заҳарли моддалар бор.

➔ Агар товонингиз тез-тез ёриладиган ва оёғингиз терлайдиган бўлса 1 ош қошиқ **беҳи барги** устига 1 стакан қайноқ сув қуйиб, 5 дақиқа паст оловда қайнатинг. 1 соат дамлаб қўйгач, оёқларингизни ушбу дамламага 1 соат солиб ўтиринг. Шундай дамлама билан оғизни ҳам чайиш мумкин.

## ОЛТИНРАНГ УЗУМ

Узумдан ажойиб винолар тайёрлашдан ташқари юрак- қон томир хасталикларини даволашади. Узум таркибида жуда кўп миқдорда глюкоза мавжуд.

➔ Танада калий миқдорини кўпайтириш учун **нафақат узум, балки унинг қуритилган майизидан** ҳам истеъмол қилиш мумкин. Калий танқислигидан азият чекадиганлар кунига 100 грамм майиз ейишлари керак. Юрак- қон томир фаолияти хасталикларини даволаш учун айниқса майизнинг қора нави жуда фойдалидир.

➔ **Узумнинг барглари** мўрт томирларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бурун қонаганда шифокорлар узумнинг кукун қилиб майдаланган баргларини ҳидлашни тавсия этишади. Қон босими ошганда 4 ош қошиқда майдаланган узум барглари ва новдаси устига 1 стакан қайноқ сув қуйиб, совигунча сақланади. Бу дамламани совуқ сувда ҳам тайёрлаш мумкин. Бунинг учун дамлама уч-тўрт кун туриши керак бўлади.

➔ Юрак- қон томир хасталикларида **узум шарбати** жуда фойдали. Узум шарбатини алоҳида парҳез ҳолида узум меваси билан истеъмол қилинади. Бунинг учун кунига 3 стакан узум шарбати ичиб орасида 250 граммдан узум енг. Тушликдан олдин ичилган 1 бо-



кал вино юрак-томир тизимидаги хасталикларни даволар экан. Бироқ, бунинг меъёрини билиш зарур. Узум шарбати ва виноси томирларни кенгайтириб тиқилма ҳосил бўлишини ва бу билан инсульт ва инфаркт бўлишининг олдини олади.

## БЕБАҲО ҚИРМИЗИ ДОНАЛАР...

Қадимги табобоат оламида ўзига хос ўрни бўлган анор оила ва садоқат рамзи ҳисобланган. Унинг доналаридан камқонликни даволашган. Ҳароратни тушириб, милклардаги хасталикларни тузатади. **Кунига 1 стакандан анор шарбати ичилса** ривожланаётган саратон хасталигининг олдини олар экан. Шуниси аҳамиятлики анор шарбатини сувга аралаштирилганда ҳам ўзининг шифобахшлилик хусусиятини йўқотмайди. Ошқозонга ҳам зарар қилмайди. Бу шарбат ошқозон яраси бор кишиларга мумкин эмас. Чунки ошқозондаги кислоталиликни ошириб юборади. Хитой табибларининг таъкидлашича данаги билан ейилган анор доналари эркаклар қувватини оширишга ёрдам берар экан. **Анорнинг қуритилган пўсти ич кетганда** ичилса даво бўлади. Стоматит ва пародонтозни даволашда ҳам тавсия этилади. Анор пўстининг таркибида дубил ва микробларга қарши моддалар бор. Бироқ анор пўстидан фойдаланишда меъёрга риоя қилиш керак.

➔ Анор пўстидан дамлама тайёрлаш учун 1 фоиз анор пўсти дамламаси билан 10 фоиз сувни аралаштиринг. Паст оловда 30 дақиқа қайнатиб олгач қуйинг.

Бу дамлама кунига 3 маҳал, 5 стакандан ичилади, томоқ ва оғиз чайилади.

## ТАРВУЗНИ ТАНЛАЙМИЗ



Тарвуз ичаклардаги, томирлар ва буйраклардаги хилтларни тозалайди. Таркибида жуда кўп антиоксидант ликопенлар бўлгани учун танани ёшартиради. У сийдик ҳайдаш билан бирга жигар ва сийдик чиқариш йўлларини ҳам даволайди.

Тарвуз танлаётганингизда уни икки қўллаб сиқиб, эшитиб кўринг. Агар тарвуз тирсиллаган овоз чиқарса, демак пишиб етилган бўлади. Агар тарвуз бўлагини сувга солганингизда сувнинг ранги ўзгарса, демак унинг таркибида кимёвий модда бор бўлади. Шуни унутмангки, **тарвузни фақат эрталаб, оч қоринга ейилсагина шифо бўлади.**

## ҚОВУН БИЛАН!

➔ Юз терисига сепкил ва доғ тушганда **қовундан ниқоб қилинг.** Бунинг учун қовунни човлида бироз буғга тутинг-да, сўнг эзиб юзга суринг. Бу ниқоб юзда 10 дақиқа туриши керак. Шунингдек. қовунли ниқоб юздаги ҳуснбузарларни ҳам кетказади.

➔ **Қовун уруғларини ҳам ташлаб юборманг.** Бу ажойиб уруғлардан юз терисини оқартирувчи восита сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун 1 стакан қовун уруғлари устига 1 стакан қайноқ сув қуйиб дамлама тайёрланади. Тайёр бўлган дамлама билан юз артилса майин ва оппоқ қилади.

➔ Юз терингиз ёғли бўлса **қовунли лосьон** билан артинг. Буни тайёрлаш қийин эмас. Қовун бўлакларини эзиб, шарбатини оласиз. Сўнг 1 чой қошиқ туз ва 2 ош қошиқ асал қўшасиз. Ҳаммасини аралаштиргач, устига 1 стакан ароқ қуйинг. Бу аралашмага пахта бўлагини ботириб, юзингизни артасиз. 2 соатдан кейин илиқ сув билан ювилади.

## ОЛМА СИРКАСИ ДАВОЛАЙДИ

**Табиий тайёрланган олма сиркаси** тинка қуриганда, оёқларингиз оғриганда ва толиққанда, замбуруғ касаллигини даволашда катта ёрдам беради. Олма сиркасида калий миқдори ҳаддан ташқари кўп бўлиб у танадаги модда алмашиш жараёнини яхшилаб, юрак мушакларига ёрдам беради.

Сирка иш қобилиятини ошириб, танадаги ортиқча ёғларни эритади. Модда алмашинувини яхшилаб, ичакларни тозалайди. Шунингдек, олма сиркаси ҳароратни туширади, қон босими ошиб бош оғриганда тузатади. Олма билан сувни тенг миқдорда қўшилганини куйганда, ёток яраларини даволашда ишлатилади. Бироқ юқорида кўрсатилган шифобахш хусусиятлар фақат уйда тайёрланган сиркадагина бўлади. Сирка билан даволашда уни доимий равишда давом эттириш тавсия этилмайди. Чунки сирка кучли таъсир қиладиган восита бўлиб ошқозонни зарарлаши мумкин. Ошқозон, жигар ва сийдик чиқариш йўллари касаллигида сиркадан фойдаланиш мумкин эмас. Уй шароитида олма сиркаси тайёрлашнинг жуда кўп усуллари бор. **Олмадан сирка тайёрлаш** унча қийин эмас.

Ювилган олмаларни майдалаб кесиб, эзилади. Сўнг кенг, сирли идишга солиниб, устига олмадан 3-4 см. баландликда сув қуйилади. Ҳар бир килосига 50 граммдан шакар (нордон олма бўлса 100 грамм) қўшилади. Сўнг идиш илиқ жойга қўйилади. Фақат қуёш нурида сақлаш мумкин эмас. Вақти-вақти билан аралаштирилиб турилади. Акс ҳолда устини парда қоплайди. 2 ҳафта аралаштирилиб сақлангач, яна 2 ҳафта аралаштирмасдан сақлайсиз. Сўнг сиркани тўрт қават қилиб букланган докадан ўтказиб сузиб олгач, банкаларга тўлдирасиз. Яна 2 ҳафтагача туриши керак. Сўнг чайқамасдан, тубида қолган қуйқасигача бошқа шишаларга қуясиз. Сирка қуйилган шишаларнинг бўғзи маҳкам ёпилади. Тайёр бўлган сирка салқин жойда сақланади.

➔ Эрталаб уйқудан уйғонган заҳоти 1 стакан хона ҳароратидаги сувга 1 ош қошиқ сирка ва 1 чой қошиқ асал аралаштириб ичинг. Бу сизга куч-қувват бағишлаб, овқат ҳазм қилишни яхшилайди.

➔ Ҳаддан ташқари толиққанда 1 стакан совуқ сувга 2 ош қошиқ сирка қўшиб танангизни артиб чиқинг. Агар оёқларингиз оғирлашиб, симиллаб оғриётган бўлса сиркани сувга аралаштирмасдан оёқларингизга суринг.

**САИДА ва БАСИРА тайёрлашди.**




**469** Асли Қашқадарёликман. **Ёшим 34 да.** Олий маълумотлиман. Жиддий сабабга кўра ажрашганман. 45 ёшгача бўлган, тошкентлик, уй-жойли, жиддий эркак бўлса, турмушга чиқиш ниятидаман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Нигора**

**470** **Ёшим 35 да.** Маълумотим олий. Ишлайман. Ақлли, меҳрибон, уй-жойлик, (қаердан бўлишининг фарқи йўқ), 45 ёшгача бўлган эркак билан танишиб, оила қуриш ниятидаман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Райхона**

**471** **35 ёшдаман.** Олий маълумотлиман. Ажрашганман. Орасталикни ёқтирадиган, хушрўй аёлман, 45 ёшгача бўлган, келишган, оила қуришдек жиддий нияти бўлган, самимий ва мард эркак билан танишиб оила қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Ойгул**

**472** **Ёшим 29 да.** Асли тошкентликман. Бир ўғлим бор. Олий маълумотлиман. Касбим шифокор. Зиёли, обрўли хонадоннинг фарзандиман. 40 ёшгача бўлган, жиддий сабаб билан ажрашган, касб-ҳунарли, фақат Тошкент шаҳрида яшайдиган эркак билан танишиб оила қуриш ниятидаман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Сайёра**

**473** **Ёшим 32 да.** Тошкентликман. Ажрашганман. Уй-жойим етарли. Моддий таъминланганман. Ишлайман. Асли тошкентлик, 30 ёшгача бўлган, уйим-жойим дейдиган меҳрибон аёлга уйланмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Бахтиёр**

**474** Асли тошкентликман. **Ёшим 29 да.** Бир қизчам бор. Ишлайман. 40 ёшгача бўлган, қизимга ота меҳрини бера оладиган эркак бўлса турмуш қурган бўлардим.
**Манзилим таҳририятда.**
**Доно**

**475** **Ёшим 36 да.** Беваман. Миллатим уйғур. Икки нафар фарзандим бор. Келишган, моддий таъминланган аёлман. 40-45 ёшлардаги, келишган, ишбилармон, болаларимни хафа қилмайдиган эркак уйининг бекаси бўлишни истардим.
**Манзилим таҳририятда.**
**Гулгун**

**476** **Ёшим 43 да.** Ажрашганман. Ишлайман, уй-жойим бор. 39 ёшгача бўлган, ажрашган ёки турмушга чиқмаган оққўнгил аёл бўлса уйланардим.
**Манзилим таҳририятда.**
**Баҳодир**

**477** Ўғлимнинг **ёши 35 да.** Жиддий сабаб билан ажрашган. Келишган, нуфузли ташкилотда ишлайди. Ақлли, одобли, оғир-вазмин йигит. Оиламиз зиёли, моддий томондан таъминланган. Шу ўғлимнинг бахтли бўлишини жуда истайман. Қаердан бўлса ҳам Тошкентда яшайдиган (иложи бўлса водийлик) яхши оиланинг ўқимишли, ораста, хушрўй ва оққўнгил, 30 ёшгача бўлган қизи бўлса, келин қилган бўлардим.
**Манзилимиз таҳририятда.**
**Тўхтахон опа**

**478** Тақдир экан, ўғлимнинг оиласи бузилди. Ҳозир **ёши 37 да.** Баланд бўйли, хушбичим, келишган йигит. Хусусий қўшма корхонамизнинг бош директори бўлиб ишлайди. Хонадонимиз моддий томондан таъминланган, ҳамма ҳавас қилади. 33 ёшгача бўлган, тошкентда яшайдиган, ўқимишли, оқила, камтар ва чиройли қизни келин қилиш орзусидамиз.
**Манзилимиз таҳририятда.**
**Шавкат ота**

**479** **Ёшим 55 да.** Асли Қашқадарё вилоятиданман. Ажрашганман. Фарзанд кўрмаганман. Ўзимга яраша уй-жойим бор, ишлайман. 40 ёшгача бўлган, ажрашган, диёнатли, уй-рўзғор ишларини жойига қўя оладиган аёл бўлса оила қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Панжибой**

**480** **30 ёшли,** олий маълумотли, турмушга чиқмаган синглим бор. Асли водийданмиз. У жуда чиройли, камтар ва оғир-вазмин қиз. Ўз ишига пухта, шифокор бўлиб ишлайди. Ишхонасида ўзига яраша обрўэътибори бор. 35-40 ёшларда бўлган, кўркам, ўқимишли, уй-жойига эга бўлган, имонли бир эркак бўлса синглимга куёв қилган бўлардик.
**Манзилимиз таҳририятда.**
**Гулираънохон**

**481** **Ёшим 35 да.** Ажрашганман. Асли Андижонданман. Бир ўғилчам бор. Ўғил бекасиман. Санъатга қизиқаман. II-гуруҳ ногиронман. Мўмин-мусулмон аёлман. 45 ёшгача бўлган, имон-эътиқодли, меҳрибон, боламнинг бошини силайдиган, водийлик бир эркак бўлса турмуш қурган бўлардим.
**Манзилим таҳририятда.**
**Олимахон**

**482** Қизимнинг **ёши 28 да.** Турмушга чиқмаган. Асли Тошкентликмиз. Олий маълумотли, ораста ва пазанда. 35 ёшгача бўлган, ажрашган ёки уйланмаган, диёнатли, касб-кори тайин, уй-жойли йигит бўлса, қизимни узатардим.
**Манзилимиз таҳририятда.**
**Файзура опа**

**«ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам ёки шу масалада вилоятлардан хат йўллаганлар ҳам таҳририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва куёвларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди.**

# ҚАЙНОТАМИЗНИ ДЕБ...

**483** Телефондаги суҳбатимни тугатиб, иш столимдаги қоғозлардан бирини энди қўлимга олгандим, эшик тақиллади.

- Мумкинми? - дея икки нафар хушрўйгина жувонлар кириб келишди.

Улар ўтиришгач, гап бошлашдан олдин уялинқираб бир-бирига қараб олишди. Сўнг: - Биласизми, опажон, биз бу ерга қайнотам учун келдик. У жуда яхши инсон.



**- Нима масалада келдинглар?**

- Оила масаласида келгандик. Ўтган йили қайнонам вафот этди. Улар қайнотам иккиси кўп йиллар жуда аҳил яшашган. Қайнонамнинг вафотидан кейин қайнотам анча сиқилди. Буни ўзи айтмаса ҳам кундан-кунга сўлиб бораётган чеҳраси яққол билдириб турарди. У киши етти нафар фарзандларини ҳаммасини ўқитиб, уй-жойли қилганлар. Ҳаж сафарига ҳам бориб келган.

**- У киши неча ёшдалар?**

- Гарчи қайнотамнинг **ёши 70 да** бўлса ҳам, кўриниши тетик. Кўрган одам 55 ёшдан кўп ёш бермайди. Машинани ғизиллатиб ҳайдайди. Қоматини адл тутиб, дид билан яхши кийиниб юради.

Биз жуда катта ҳовлида яшаймиз. Бу ерга келишимдан мақсад шуки, яқинда турмуш ўртоғим: "Биз уй-уйимизга кириб кетганимиздан отам ёлғиз қолиб кетаяпти. Эрталабгача бир корихол рўй берса нима бўлади? Шундай бўлсa ўзимни сира кечира олмайман. Кел, отамни бирорта аёлга уйлантириб қўйайлик", - деди. Шунинг учун таҳририятга келавердик.

**- Ҳожи ота уйланса сизлар билан яшайдиларми?**

- Йўқ, тўрт нафар ўғиллари яхши топишади. Маслаҳатлашдик. Қайнотамга аёл топсак, дарҳол у киши истаган мавзедан уч хонали уй олиб берадиган бўлдик. Бўлажак қайнонамизни уям ҳовлимизга эмас, тўғри ўша уйга олиб борамиз. Келган аёлни ўз онамиздек кўриб, ҳурматини қиламиз. Моддий томондан сира камчилиги бўлмайди. Бу ерга қайнотам қолган умрини сиқилиб эмас, ўзидек ёлғиз бир аёл билан мазмунли умр кечиришини истаганимиз учун келдик.

**Қайнотасига аёл, ўзларига қайнона излаб келган келинлар кетишди. Ҳожи отанинг келинлари оқибатли экан. Ҳар қалай еган-ичганини муҳайё қилган билан ота кўнгли дардли эканлигини тушунишибди. Ҳожи отага умр йўлдоши бўлишни истаган аёллар учун у кишининг манзили таҳририятда.**

* * *

# ТАҚДИР ЭКАН...

**484** - **Ёшим 67 да.** Тошкентлик Эркин отаман. Таҳририятга келишимдан олдин жуда ўйландим. Лекин нима қилай? Қийин аҳволда қолганман, - дея гап бошлади басавлат отахон. У оппоқ, кийим кийиб олган. Илгари катта амалларда ишлаган, қатъий, жиддий чеҳрасидан билиниб турарди.

**- Фарзандларингиз борми? - дея сўрадим ноқулай бўлса ҳам.**

- Бор, умрим ҳам шуларни ўқитиш, уй-жойли қилиш билан ўтди. Шаҳарнинг марказида тўрт хонали уйда яшайман. Аёлим қазо қилган. Қизларим бор, лекин улар ўз фарзандларининг ташвишидан ортмайди.

**- Уйланиш ниятида келдингизми?**

- Бошқа иложим ҳам йўқ. Тақдир экан, лекин мен уйланадиган аёлнинг уйига ичкуёв бўлиб бормоқчиман-да...

**- Ахир уйим бор дедингиз-ку!**

- Тўғри, уйим бор. Лекин шу уйимни набирамга ҳадя қилганман. Энди набирам уйланади. Мен икки ёшнинг олдида қандай яшайман? Шуларни ўйлай-ўйлай охири таҳририятга келишга мажбур бўлдим.

**- Бу уйни сотиб сизга алоҳида бир хона олиб беришса бўлмайдими? Ахир шу уйни олиш учун бир умр меҳнат қилгансиз-ку, шундайми?**

- Бунинг иложи йўқ. Шу боис уйланишга қарор қилдим-да. Чунки қизим буни истамайди. Қолаверса, набирам қийналмасин, деймaн-да. Сиз нима дейсиз, менга муносиб бирорта аёл чиқиб қолармикан?

***- Эҳтимол чиқиб қолар? Балки ўз уйида ёлғиз яшаётган аёллар бордир? - дедим умид билан қараб турган отахонга далда бериб.***

***Отахон хайр-хўш қилиб хонадан чиқиб кетди. Фарзандлари кўнглини оғритган бўлса-да, ўзи уларнинг кўнглини оғритгиси келмаган бу меҳридарё отахонга чиндан ҳам бир аёл топилишини истадим.***

***Самимий бу инсон учун жуфт бўлишини истаган аёллар учун Эркин отанинг манзили таҳририятда.***

**БАСИРА** тайёрлади.
**ТЕЛ: 133-04-50**

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти - 20:00.
Босишга топширилди - 19:00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Web-site: oilavajamiyat.uz

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11.01.07**да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 932. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 10965
Саҳифаловчи — **Ш. БАРОҚОВ**
Рассом — **Н. ХОЛМУРОДОВ**
Навбатчи — **М. УСМОНОВА**
Мусаҳҳиҳ — **С. САЙДАЛИМОВ**
1 2 3 4 6